ФАРОВОНЛИК КАФОЛАТИ

Иқтисодиёт тармоқларини, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида амалга оширилган ишлар натижасида туманда 2012 йилнинг ўтган беш ойида барча манбалар ҳисобидан жами 100 та янги иш ўринлари яратилди.

4 бет

ТИРИК МАРҲУМЛАР

Тирик одамни ўлганга чиқариб, нафақа тўлатишни йўлга қўйиш "тадбири"нинг силлиқ кўчгани уни "руҳлантириб" юборади. Орадан икки ой ўтиб, сентябрь ойида вафот этган фуқаро Т.Мелибоевнинг ўлими ҳақидаги гувоҳномани қалбакилаштиради.

10 бет

Mustaqillik huquq demakdir

Huquq

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan www.huquq-gazeta.uz 2012-yil 6-sentabr, №36 (817)

Парламентда

Муҳим қонунлар – барқарорлик ва фаровонлик учун

Жорий йилнинг 30-31 август кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Унда ялпи мажлисга таклиф этилган Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари, вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Ўткиржон ДЕҲҚОНОВ, «Huquq»

Сенаторлар ўз ишларини давлат раҳбарининг қонунчилик ташаббуси тартибида киритган "Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқишдан бошладилар.

Муҳокама давомида сенаторлар таъкидлаб ўтганларидек, Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти концепцияси давлат ташқи сиёсатининг фундаментал принциплари ва стратегик устувор йўналишларини, халқаро майдондаги мақсад ҳамда вазифаларини, ўрта ва узоқ муддатли истиқболда Ўзбекистоннинг миллий манфаатларини илгари суриш механизмларини белгилаб берадиган қарашларнинг яхлит тизимидир.

Шунингдек, қонуннинг қабул қилиниши давлат мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлашга, мамлакатнинг халқаро муносабатларнинг тўлақонли субъекти сифатидаги ўрни ва ролини янада кучайтиришга, ривожланган демократик давлатлар сафидан ўрин олишига, Ўзбекистон тараққиётига хавфсизлик, барқарорлик ва яхши қўшничилик ҳудудини яратишга ёрдам беради. Батафсил муҳокамадан сўнг қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сенаторлар шунингдек, Президентимизнинг 2010 йил 12 ноябрда Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасида баён этилган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»ни амалга ошириш доирасида тайёрланган қонунларни ҳам кўриб чиқиб, маъқулладилар.

"Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар. Мазкур қонун муҳокамаси давомида Қонун айбланувчини лавозимидан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чораларини суд тартибида қўллашни, жиноят ишини қўзғатиш ҳуқуқини суднинг ваколатларидан чиқариб ташлашни, ишни судда кўриш вақтида жиноят иши юзасидан айблов хулосасини ўқиб эшиттириш мажбуриятини прокурорга юклашни назарда тутиши кўрсатиб ўтилди.

Шундан сўнг сенаторлар "Хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашганлик учун жавобгарлик жорий этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида"ги, "Мардлик" орденини таъсис этиш тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларини муҳокама қилдилар ва маъқулладилар.

Бундан ташқари, сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик суди таркибларига ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикасининг бир қатор чет давлатлардаги дипломатия ваколатхоналари бошлиқларини тайинлаш ҳақидаги, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ваколатларига дахлдор бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқдилар.

Кўрилган масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тегишли қарорлар қабул қилди.

Сенатнинг икки кунлик мажлисида 24 та масала, шу жумладан, 9 та қонун кўриб чиқилди.

Жараён

Истиқлол берган имкониятлар ҳақида гап кетганда аввало, инсон шаъни, унинг қадр-қимматини юксалтириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар кўз олдимизга келади. Мустақилликнинг илк йиллариданоқ муҳтарам Юртбошимиз инсон ислоҳот учун эмас, ислоҳот инсон учун хизмат қилиши керак, деган ақидани ўртага ташладилар. Ўтган йигирма бир йил мобайнида ушбу ақидага қатъий амал қилиниб келинди. Ижтимоий-иқтисодий соҳаларда олиб борилган кенг қамровли ислоҳотлар эвазига фуқароларнинг турмуш тарзи кескин ўзгарди. Шаҳару қишлоқларимиз тамомила янги қиёфага кирди.

Қонунийлик таъминланади

Истиқлолнинг илк даврлариданоқ Президентимиз томонидан фарзанд тарбияси, ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама комил, баркамол инсон қилиб вояга етказиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Шу муносабат билан қатор қонунлар, қарор ва фармонлар қабул қилинди. Уларни амалга татбиқ қилиш юзасидан муайян ишлар амалга оширилди. Бу борадаги кенг кўламли тадбирлар давом эттирилмоқда. Чунки, фарзанд тарбияси масаласи ҳеч қачон ўз долзарблигини йўқотмайди.

Хоразм вилоят прокуратураси органлари томонидан вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида қатор ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Вояга етмаганларнинг таълим-тарбияси, уларга кўрсатилаётган тиббий хизматни яхшилаш, кўп болали оилалар фарзандлари, ногиронлар ва ота-она қаровисиз қолган болаларни ижтимоий ҳимояга олиш, иқтидорли ўқувчиларга шарт-шароитлар яратиш, болалар ва ўсмирларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, болалар спортини ривожлантириш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш прокуратура назоратига олинган.

Прокуратура органлари фақат қонунлар ижросини таъминлаш билан чекланиб қолмасдан, ёш авлод тарбияси билан боғлиқ қатор хайрли ташаббуслар билан ҳам чиқмоқда. Турли тадбирлар уюштирилишига бош бўлмоқда. Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртларида жиноятчиликнинг олдини олиш, ёт илгатларга қарши курашиш, ўсиб келаётган авлоднинг ҳуқуқий билимларини оширишга қаратилган кўплаб давра суҳбатлари, учрашувлар ташкил қилинмоқда.

Вилоят прокуратураси шунингдек, "Мустаҳкам оила йили" муносабати билан жисмонан соғлом, маънан етук ва ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялашда оиланинг ролини кучайтириш, оила, мактаб, маҳалла ҳамкорлик механизмини мустаҳкамлаш мақсадида умумтаълим мактабларида ҳар ҳафтанинг шанба кунини "Ота-оналар куни" деб эълон қилиш ташаббуси билан чиқди. Ушбу ташаббус вилоят Халқ таълими бошқармаси томонидан маъқулланиб, ҳамкорликда махсус чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Эндиликда ушбу режа асосида ота-оналар умумтаълим мактабларида таҳсил олаётган фарзандларининг ўқиши, қизиқишлари, давомати, фан ва тўгаракларга қатнашиши билан танишиб бормоқда. 9-синф битирувчиларининг ўз ҳудудларидаги касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларга ота-оналар иштирокида саёҳатлари ташкил этилди.

/Давоми 3-бетда/

Асрга тенг йиллар

Она Ватанимиз — Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигига эришганига 21 йил тўлди. Гарчи бу вақт тарих учун жуда қисқа муддат бўлса ҳам мамлакатимиз ҳаётида ўчмас излар қолдирди. Бу даврда қандай қийинчиликлар енгиб ўтилгани, қандай бунёдкорлик ишлари амалга оширилганига барчамиз гувоҳмиз.

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ муҳтарам Президентимиз эндиликда мамлакат иқтисоди учун ғалла, нефт мустақиллигининг зарур эканлигига эътиборимизни қаратди. Шу ўринда Юртбошимизнинг образли бир иборaси беихтиёр эсингизга тушади. "Аравани отдан олдинга қўшиб бўлмайди". Бу ерда гап иқтисодиётнинг биринчи ўринда туриши шарт эканлиги ҳақида кетаяпти.

Бозор иқтисодиёти шароитида шундай бўлиши табиий ҳол эканлигини ҳаётнинг ўзи исботлади. Президентимиз раҳбарлигида бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтилганлиги нақадар тўғри бўлганлигини Қорақалпоғистон Республикаси мисолида ҳам кўриш мумкин. Республикада барча соҳаларда ижобий томонга ўсиш бўлаётгани яққол кўзга ташланади.

Халқ хўжалигининг барча тармоқларида, ҳаётимизнинг барча жабҳаларида ислоҳотлар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Келинг, шу ўринда мисолларга мурожаат қилайлик. 2011 йилда ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 1,8 трлн. сўмни ташкил этиб, белгиланган прогноз кўрсаткичлар бажарилди. Республикадаги фаолияти тўхтаб қолган ёки жуда кам қувватда ишлаётган 12 та енгил саноат корхонасининг фаолияти тикланди. Аҳоли жон бошига 306,1 минг сўмлик саноат, 135,1 минг сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди.

Шунингдек, республикада аҳоли учун турар жойлар қуришга катта эътибор қаратилаётгани қувонарлидир. Бунда қурувчилар маҳаллий шароитни, айниқса, захланиш ва шўрланишни қатъий эътиборга олиб иш олиб бормоқдалар. Намунали уй-жойларни қуришга 24,4 млрд. сўм маблағ жалб этилди. Қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик равнақ топмоқда. Маҳсулот сифати яхшиланиб, ҳажми ўсаяпти. Чунончи, 561 млрд. сўмлик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилди. Энг қувонарлиси эса, республика халқ таълими ҳамда соғлиқни сақлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Президент Фармонлари, ҳукумат қарорлари тўлиқ бажарилаяпти. Қорақалпоғистонда жами 1130 та таълим муассасаси бўлиб, шундан 741 тасини ўрта таълим мактаблари ташкил этади. Республикада 36 та мактабнинг янгидан қурилгани, 252 та мактабнинг капитал реконструкция қилингани-ю, 148 тасининг таъмирлангани ҳам фикримиз тасдиғидир.

Ушбу мақсадга 109,6 млрд. сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Жорий йилнинг ўзида умумтаълим мактабларига етарлича маблағ ажратилиб, моддий-техника базаси мустаҳкамланди.

Республикада 21 та болалар мусиқа ва санъат мактаби фаолият олиб бораяпти. Болалар спортини ривожлантиришга эътибор кучайтирилди. Президентимизнинг шу йил 13 февралдаги қарорига асосан болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан 9 млрд. 730 млн. сўм маблағ ажратилди.

/Давоми 3-бетда/

Иш ўринлари ярмаркаси

ишсизлар учун имконият

Самарқанд вилояти аҳолиси сони жиҳатидан ҳам, иқтисодий жиҳатдан ҳам мамлакатимиз вилоятлари ичида етакчи ўринларда туради. Аҳоли кўпайиши билан ўз-ўзидан ишга муҳтожлар сони ҳам ошиб бораверади. Катта оиланинг ташвишлари катта бўлганидек, вилоятимизда ҳам аҳоли бандлигини таъминлаш асосий муаммолардан бири ҳисобланади. Ойига ўнлаб янги ташкил этилаётган корхоналарда юзлаб иш ўринлари пайдо бўлаяпти. Минглаб битирувчи-мутахассислар бўш ва квоталанган иш жойларига эга бўлишмоқда. Бу борада жойларда ўтказилаётган бўш иш ўринлари ярмаркаларининг аҳамияти катта.

Қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳрида юртимиз мустақиллигининг 21 йиллиги муносабати билан вилоят прокуратураси ташаббуси билан вилоят ҳокимлиги, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ҳамкорлигида "Бўш иш ўринлари ва вакант лавозимлар ярмаркаси" ўтказилди.

Мазкур ярмаркада Самарқанд вилоятидаги 410 та корхона, муассаса ва ташкилотлар, тадбиркорлик субъектлари ҳамда касб-ҳунар коллежлари ва тижорат банклари ўз маҳсулотларидан намуналар, аҳолига кўрсатиладиган хизмат турлари ҳамда мавжуд 3738 та бўш иш ўринлари билан қатнашдилар.

Ярмаркада ишга жойлашишга муҳтож 2904 нафар фуқаро рўйхатга олиниб, уларнинг 1495 нафарига ишга жойлашиш учун йўлланмалар берилди. Шундан 1062 нафарини ёшлар, касб-ҳунар коллежи битирувчилари ҳамда хотин-қизлар ташкил қилади. Бундан ташқари, иштирок этганларнинг 240 нафари ҳақ тўланадиган жамоат ишларига йўналтирилди ва 75 нафари билан касб-ҳунар ўрганиш ва малака ошириш учун шартномалар тузилди.

Таъкидлаш жоизки, Самарқанд вилоятида жорий йилнинг етти ойида юқорида қайд этилган мутасадди идоралар билан ҳамкорликда жойларда 92 маротаба бўш иш ўринлари ярмаркалари ўтказилди. 7508 та корхона ва ташкилотлар 46,8 мингдан зиёд бўш иш ўринлари билан иштирок этган ушбу ярмаркаларда 27 минг 486 нафар фуқаро ишга жойлаштирилган. Шунингдек, вилоятда жами 55 минг 48 та янги иш ўринлари, шу жумладан, ижтимоий ҳимояга муҳтож, меҳнат бозорида кенг шароитларда рақобатлашишга қодир бўлмаган аҳоли қатламлари учун 7 минг 890 та квота иш ўринлари яратилган.

Ўтган давр мобайнида меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ва унинг жойлардаги бандликка кўмаклашиш марказларига иш сўраб 45 минг 113 нафар фуқаро мурожаат қилган бўлса, шундан 40 минг 790 нафари халқ хўжалигининг турли соҳаларига ишга жойлаштирилган. Бандликка кўмаклашиш марказларига мурожаат қилган ва иш билан таъминлаш имконияти бўлмаган 4 минг 156 нафар фуқаро ишсиз, деб топилиб, шундан 847 нафари касб ўрганишга, 3 минг 236 нафари ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиниб, қолган 73 нафарига ишсизлик нафақаси тайинланган. Эслатиб ўтиш лозимки, вилоятда 9986 та касаначилик иш ўринлари яратилиб, белгиланган дастур 110,7 фоизга бажарилган.

— Ярмаркада ўнта бўш иш ўрни билан иштирок этаяпмиз, — дейди "Жомбой жаворхири" масъулияти чекланган жамияти иқтисодчиси Яхшибой Темиров. — Ишлаш ниятидагиларга 250-400 минг сўмгача ойлик маош таклиф этаяпмиз. Иш сўраб келаётганларнинг аксарияти касб-ҳунар коллежларини битирган ёшлардан иборат. Икки-уч ой ичида янги цехимиз ишга тушади ва яна 40 нафар ёшларни ишга қабул қиламиз.

— Ёшлигимдан тиббиёт соҳасида ишлашни, беморлар дардига малҳам бўлишни орзу қилардим, — дейди иштирокчилардан бири Дилафрўз Ортиқова. — Шу йил Каттақўрғон тиббиёт коллежини битирдим. Бугун бўш иш ўринлари ярмаркасига келиб, ўзимга муносиб иш топдим. Каттақўрғон тиббиёт бирлашмасига ҳамширалиққа қабул қилишди.

Шунингдек, бўш иш ўринлари ярмаркасида 1048 нафар иш қидирувчиларга аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонун доирасида давлат меҳнат ҳуқуқ инспекторлари ва прокуратура ходимлари томонидан ҳуқуқий маслаҳатлар берилиб, мутахассислари ва турдош касби бўйича ишлар таклиф қилинди.

Алишер ТУРУМОВ,
Самарқанд вилоят прокуратураси бўлим катта прокурори
Дўстбек СУЛАЙМОНОВ,
«Huquq»

Тадбирлар бесамар бўлмаяпти

Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш борасида кўплаб чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилмоқда. Бу тўғрида қатор Фармон ва қарорлар қабул қилинган бўлиб, пировард натижада тадбиркор ва ишбилармонлар сафи тобора ўсмоқда.

СВОЖЖДЛҚК Департаментининг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси шу йилнинг 6 ойида 45 та хўжалик юритувчи субъектларга амалий ёрдам кўрсатди. 8 нафарига эса 205 млн. сўмлик кредит маблағлари берилиб, қўшимча равишда 81 та янги иш ўринлари яратилишига эришилди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Аммо, ижобий ишлар билан бирга ноқонуний фаолият билан шуғулланаётганлар ҳам учраб турибди. Ўтказилган тезкор тадбирлар натижасида ўтган даврда 169 та жиноят фош қилинди. Бюджетга 21066,4 млн. сўм қўшимча маблағлар ҳисобланиб, 3791,5 млн. сўмининг ундирилиши таъминланди. Солиқ базасини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилгани натижасида 35 та солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлашга оид жиноят ишлари қўзғатилди.

Шунингдек, суиистеъмолчилик ва тамагирлик ҳолатлари юзасидан 7 та жиноят иши қўзғатилди. Жумладан, фуқаро Б.Қурязов ариза билан мурожаат қилиб, Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси марказининг ҚР бўлими илмий ходими М.Садиров "Қирққизсувқурилиш" МЧЖни баҳолаш хулосасини расмийлаштириш эвазига 300 минг сўм пулни пора тариқасида талаб қилганини баён этган. Порахўр жиноят устида қўлга тушди.

Бундан ташқари, хорижий валютанинг ноқонуний айланмаси ҳам долзарб муаммолардан биридир. Ўтган вақт давомида 39 та ҳуқуқбузарлик аниқланиб, натижасига кўра 10 та жиноят ва 29 та маъмурий ишлар қўзғатилди. Ҳуқуқбузарлардан 28449 АҚШ доллари, 160430 Россия рубли, 4079900 қозоқ тенгеси ва 53,2 млн. сўм ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Жанабай ШАНИЯЗОВ,
СВОЖЖДЛҚК Департаментининг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси бошлиғи в/б.

Хуфиёна иқтисодиётга қарши курашиш, маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, соғлом рақобатни кучайтириш ва бозорларга сифатсиз маҳсулотлар кириб келишининг олдини олиш эътиборимиздан четда қолмади. Натижада ана шундай 24 та яширин ишлаб чиқарувчиларнинг фаолиятига барҳам берилди. Ҳуқуқбузарлардан 64,1 млн. сўмлик маҳсулот, хомашё ва ускуналар олиб қўйилди. Масалан, Кегейли туманида фуқаролар Б.Сейлханов ва М.Айтеновлар ноқонуний равишда пахта ёғини ишлаб чиқариш цехини ташкил этганлар. Тезкор тадбирлар туфайли улардан мойжувоз ускунаси, 3270 кг. пахта чигити ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Булардан ташқари, нақд пулнинг банкдан ташқари айланмасини аниқлаш борасида ҳам қатор ишлар бажарилди. Жумладан, бу борада 8727,5 млн. сўмлик ноқонуний нақд пул айланмаси аниқланиб, 23 та жиноят ишлари қўзғатилди.

Бозорларимизда импорт товарларнинг борлиги ҳам яхши ҳолат, албатта. Аммо улар қайси йўллар билан ҳудудимизга кириб келаяпти ва савдога чиқарилаяпти, бунисига аҳамият берамизми?

Ходимларимизнинг тезкор ҳаракатлари туфайли 13 та ҳуқуқбузарлик ҳолати фош этилиб, ноқонуний муомаладаги 60,2 млн. сўмлик товарлар олиб қўйилди. Этил спирти, алкоголли ва тамаки маҳсулотларининг ноқонуний муомалага киритилиши юзасидан 4 та жиноят ва 3 та маъмурий иш қўзғатилди. 1,5 млн. сўмлик маҳсулотлар олиб қўйилди.

Биз юқорида мамлакатимизда тадбиркорлик ва ишбилармонликни қонуний асосда ривожлантиришга катта эътибор берилаётганини қайд этдик. Гап давлат ва мамлакат иқтисодиётига зарар етказмаслик ҳақида кетаётган экан, қонунга хилоф иш қилманг, демоқчимиз, холос.

Миллионлаб соф ниятли кишилар бор билим ва тажрибаларини ишга солиб, мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини ошириш йўлида меҳнат қиладилар ва шу меҳнатларига яраша ҳурмат-иззатга сазовор бўладилар. Аммо яна шундайлар ҳам борки, улар гарчи денгиздан томчидай озчиликни ташкил этсалар-да, баъзан халқ ва жамият мулкига жиддий зиён етказадилар. Бундай кишилар томонидан коррупция, ўзгалар мулкини талон-торож қилиш, даромадларни легаллаштириш, жиноий шерикчилик, нақд пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласи билан шуғулланиш, унга йўл очиб бериш, яширин равишда маҳсулот ишлаб чиқариш каби ҳуқуқбузарликлар содир этиладики, бу амалдаги қонунларимизга тамоман зиддир. Шу боисдан ҳам СВОЖЖДЛҚК Департаментининг Қашқадарё вилоят бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан бундай қонунбузилиши ҳолатларининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилган. Шу мақсадда жорий йилнинг ўтган даври мобайнида жами 1573 маротаба ҳуқуқ-тарғибот тадбирлари ўтказилди.

Қонун муросасозликни билмайди

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва бартараф этишда биз кенг жамоатчилик, матбуот ва оммавий ахборот воситаларининг таъсирчан кучига ҳам таянамиз. Ўйлаймизки, бугунга қадар 154 марта матбуотда қилган чиқишларимиз, радиодан берилган 313 та эшиттириш, 181 марта телевидение орқали намойиш этилган кўрсатувлар ўз самарасини бермай қолмайди.

Эътироф этиш жоизки, мамлакатимизда амалга оширилаётган барча тадбирлар фақат бир нарсага — халқнинг турмуш даражасини янада ошириш ва фаровон ҳаётини таъминлашга қаратилган. Ислоҳотлар барча жабҳаларда жадал суръатлар билан давом эттирилаяпти. Фермер хўжаликларига, хусусий тадбиркорларга кенг йўл очиб берилиб, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари қонун йўли билан муҳофазага олингани ҳам ислоҳотлар натижасидир.

Ана шундай бир шароитда солиқ ва валютага оид жиноятларга асло йўл қўйиб бўлмайди. Биз бу борада тушунтириш ва тарғибот ишлари олиб бориш билан бир қаторда, тезкор тадбирлар ўтказишдек таъсирчан чоралардан ҳам мунтазам равишда фойдаланаяпмиз. Ана шу тадбирлар натижасида 14 та ҳолатда қонунбузарликлар аниқланиб, 11 ҳолатда жиноят ишлари қўзғатилди. 3 та ҳолатда маъмурий ҳуқуқбузарликка доир иш юритилди. Ҳуқуқбузарлардан жами 21 минг АҚШ доллари, 39990 Россия рубли, 27 млн. 65 минг Ўзбекистон сўми ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Жиноятларнинг энг зарарли турларидан бири яширин маҳсулот ишлаб чиқаришдир. Биз бундай маҳсулотларнинг муомалага киритилишига тўсқинлик қилиб, жиноий ҳаракатни бартараф этиш билан бирга, халқимизни сифатсиз, инсон организми учун кони зиён маҳсулотлар истеъмол қилиш натижасида соғлиғига путур етишидан огоҳлантираяпмиз. Ўтказилган тезкор тадбирлар натижасида 60 дан зиёд ҳолатда яширин цехлар фош этилиб, уларнинг ҳуфиёна фаолиятига чек қўйилди. Ҳуқуқбузарлар 119 млн. 649 минг сўмлик турли хилдаги маҳсулот ва маҳсулот ишлаб чиқарадиган асбобускуналарини ўз қўллари билан давлат ихтиёрига топширдилар.

Албатта, Ватанимиз ҳудудига четдан жуда кўплаб маҳсулотлар олиб келинади ва савдога чиқарилади. Бу таҳсинга сазовор, аммо ноқонуний йўллар билан лицензиясиз ва керакли ҳужжатларсиз баъзи бир маҳсулотлар ҳам олиб кирилмоқдаки, сифати учун ҳеч ким кафолат беролмайдиган бундай "нознеъматлар" халққа зиён — бир қисм нафс бандаларининг чўнтагигагина фойдадир. Албатта, бунга мамлакатимизда жорий этилган қонунлар йўл бермайди.

Қўзғатилган жиноят ишлари бўйича ўтказилган ҳужжатли текширишлар натижасида 9 млрд. 508 млн. 791 минг сўм миқдорида қўшимча маблағ ҳисобланиб, шундан 3 млрд. 733 минг сўмининг ундирилиши таъминланди. Шунингдек, қонунбузилиши ҳолатларининг содир этилишига шарт-шароит яратилганлиги, жиноий шериклик қилганлик ва коррупция ҳолатлари бўйича 28 та жиноят иши қўзғатилди. Алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ноқонуний муомалага киритиш борасида ўтказилган тезкор тадбирлар натижасида 7 ҳолатда жиноят иши қўзғатилиб, 4 ҳолатда маъмурий чора кўришга доир иш юритилди.

Ҳа, қонун бундай ҳолатларга нисбатан муросасозликни билмайди.

Дилшод АЛИМОВ,
СВОЖЖДЛҚК Департаментининг Қашқадарё вилоят бошқармаси ходими

Қонунийлик таъминланади

/Давоми. Бошланиши 1-бетда/

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмаслиги аниқ ва равшан белгиланган. Ушбу конституциявий талабнинг ижроси эса прокуратура идоралари томонидан доимий назоратга олинган. Одам савдоси жиноятининг олдини олиш, унга қарши курашиш, одам савдосидан жабр кўрганларга ижтимоий кўмак бериш нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг, балки барчанинг вазифаси саналади. Боиси глобаллашув туфайли ушбу жиноят ер юзининг ҳамма мамлакатларини бирдай қамраб олмоқда. Демак, унинг хавфидан бизнинг мамлакатимиз ҳам йироқда эмас.

Мамлакатимизда одам савдосига қарши кураш борасида комплекс тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Давлатимиз 2003 йил 12 декабрда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси томонидан 1950 йилда қабул қилинган "Одам савдоси ва фоҳишаликнинг учинчи шахслар томонидан ишлатилишига қарши кураш тўғрисида"ги Конвенцияга қўшилди. БМТ Бош Ассамблеясининг 2000 йил 15 ноябрдаги резолюцияси билан қабул қилинган "Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида"ги Конвенция, шунингдек, одам савдоси, айниқса, аёллар ва болаларни сотишнинг олдини олиш, унга чек қўйиш ва бунинг учун жазолаш тўғрисидаги қўшимча протоколлар ҳам ратификация қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуни мазкур трансмиллий қилмишга барҳам беришнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб берди. Қонун мамлакатимизда одам савдосига қарши курашиш, шу турдаги жиноятларнинг олдини олиш, аниқлаш ва уларга барҳам бериш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солади. Хоразм вилоятида ҳам мазкур қонун, Республика Президентининг "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижросини назорат қилиш юзасидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Тан олиш керак, Республика ҳукуматининг тез фурсатда кўрган оқилона чора-тадбирлари туфайли одам савдоси жиноятининг кескин камайишига эришилди.

2008 йилда вилоят бўйича 203 нафар, 2009 йилда 336 нафар, 2010 йилда эса 48 нафар фуқаро одам савдоси жабрдийдалари сифатида рўйхатга олинган эди. 2011 йилда эса бу рақам 17 нафарни ташкил қилди.

Одам савдоси жиноятининг олдини олишда олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишларининг самараси катта. Шу боис ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан барча ўқув муассасаларида, маҳаллаларда, корхона ва ташкилотларда ушбу жиноятнинг олдини олиш, унга қарши курашда фуқаролар фаоллигини оширишга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишлари мунтазам равишда амалга оширилиб келинмоқда.

Фуқароларнинг ушбу жиноят тўғрисидаги ҳар бир ариза ва мурожаатлари назоратга олинган. Аризаларда кўрсатилган ҳолатлар ҳар томонлама, тўла ва холисона текширилиб, қонуний қарорлар қабул қилиниши таъминланмоқда.


Таҳлиллар одам савдоси жабрдийдаларининг 85,4 фоизини эркаклар ташкил қилишини кўрсатди. Улар асосан мажбурий меҳнат тўрига тушиб қолган фуқаролардир. Бундай нохуш ҳолатларга барҳам бериш мақсадида меҳнат миграцияси талабларига риоя қилиш, чет давлатларга фақат қонуний асосларда ишга кетишни таъминлаш юзасидан профилактика тадбирлари кучайтирилмоқда.

Ўтган йили ЖИБ вилоят судлари томонидан одам савдоси билан боғлиқ 8 та жиноят иши кўрилиб, 19 нафар шахсга нисбатан ҳукм чиқарилган. Жумладан, 17 нафар шахс озодликдан маҳрум қилинган, 2 нафар шахс ахлоқ тузатиш ишларига жалб қилинган. Жабрланувчилар фойдасига 114,7 млн. сўм ундирилган.

Одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар асосан фуқароларни катта миқдорда иш ҳақи ваъда қилиб, четга олиб кетилиши оқибатида содир этилаётганини ҳисобга олган ҳолда, аҳолининг бандлиги масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Вилоят прокуратураси органлари томонидан "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонун ижроси юзасидан мунтазам текширишлар ўтказилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги вилоят иқтисодиётининг етакчи тармоғи саналади. Вилоят прокуратураси органлари томонидан Республика Президентининг "Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижроси юзасидан мунтазам равишда назорат тадбирлари амалга оширилмоқда. Тайёрлов, таъминот ва хизмат кўрсатувчи корхоналар иши доимий назоратга олиниб, уларнинг фаолиятини талаб даражасида ҳамда қонун доирасида ташкил этиш чоралари кўрилаяпти. Жумладан, йил ўтган давр да 80 та текшириш ўтказилиб, натижасига кўра маҳаллий ҳокимлик ва тегишли идораларга 78 та тақдимнома киритилди, мансабдор шахсларнинг қонунга зид бўлган 28 та ҳужжатлари прокурор протести асосида қонунга мувофиқлаштирилди. 115 нафар мансабдор шахс интизомий, 310 нафари маъмурий жавобгарликка тортилиб, 914 нафари расмий равишда огоҳлантирилди. Давлат ва жамоат манфаатларига етказилган зарарларни ундириш бўйича судларга 153,3 млн. сўмлик 33 та прокурор аризалари киритилди. Қўпол қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан 10 та жиноят иши қўзғатилди.

Шуҳратжон АБДУЛЛАЕВ,
Хоразм вилоят прокурори вазифасини бажарувчи



Вилоят бўйича жами 2081 фермер хўжалиги томонидан 93 800 гектар майдонга чигит экилиб, айни пайтда ғўза парваришида белгиланган агротехник тадбирлар ижроси муддатида бажарилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 февралдаги "2012 йилда пахта етиштиришнинг прогноз ҳажмлари ва ғўзани навлар бўйича жойлаштириш тўғрисида"ги Қарори ижроси юзасидан олиб борилган назорат тадбирларида айрим раҳбарлар томонидан хўжасизликка йўл қўйилганлиги маълум бўлди.

Чунончи, Боғот тумани ҳокими томонидан 4 та чорвачилик йўналишидаги фермер хўжаликларида Президентнинг 2008 йил 21 апрелдаги "Шахсий, ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллари кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори талаби бузилиб, чигит экиш режалаштирилган. Шу каби қонунбузилиши ҳолатлари Урганч, Янгибозор, Ҳазорасп, Хива, Хонқа ва Янгибозор туман ҳокимларининг қарорларида ҳам аниқланиб, ушбу қонунсиз ҳужжатларга нисбатан протест келтирилди.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан фермер хўжаликларига минерал ўғит, нефт, уруғлик чигит, техника ажратилишида ва банк кредитларидан фойдаланишда амалий ёрдам кўрсатилди. Мониторинг текширишлари давомида аниқланган қонунбузилишларга нисбатан кескин чоралар кўриб борилмоқда. Мисол учун, "Қишлоқхўжаликкимё" ҲАЖ Қўшкўпир туман филиалига қарашли "А.Ибрагимов" минерал ўғит тарқатиш шохобчасида 10408,1 минг сўмлик 18357 кг. минерал ўғит камомади борлиги аниқланиб, ушбу минерал ўғитларни шахсий манфаатлари йўлида ишлатиб юборган шохобча мудири А.Ибодуллаевга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Шунингдек, пахта экилиши лозим бўлган майдонларда ердан фойдаланиш шартларининг бузилиши ҳолатлари ҳам аниқланди. Жумладан, Хива туманидаги "Бозорбой шофер" фермер хўжалиги томонидан пахта етиштирилиши режалаштирилган 65 балл бонитетига эга бўлган 1,05 гектар майдондаги тупроқнинг 150 см қалинликдаги устки унумдор қатлами олиниб, "Баҳодирхон Эгам ўғли" хусусий корхонасига қарашли ғишт заводига хомашё сифатида берилганлиги натижасида тупроқ унумдорлиги пасайиб, ҳосилдорлигининг камайишига олиб келган. Ушбу ҳолат юзасидан жавобгар шахсларга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Албатта, вилоятимизда ўз тадбиркорлиги билан эл назарига тушиб, юрт корига яраётган фермерлар кўпчиликни ташкил қилади. Уларни қўллаб-қувватлаш юзасидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Умуман, қишлоқ хўжалигида ерни сифатли шудгорлашдан тортиб, экинни агротехника тадбирлари асосида парваришлаш, минерал ўғит, ёқилғи маҳсулотлари ва техника билан таъминлаш ҳамда ҳосилни нес-нобуд қилмасдан йиғиштириб олишгача бўлган жараён доимий прокурор назоратига олинган.

Асрга тенг йиллар

/Давоми. Бошланиши 1-бетда/

Маориф соҳасида кадрлар сифати ҳам йилдан-йилга яхшиланмоқда. Ҳозир Халқ таълими вазирлиги тизимида 32057 нафар ўқитувчи иш олиб бораяпти. Ўқитувчиларнинг 76 фоизи олий маълумотли мутахассислардир. Мактаблар деярли замонавий ўқув кўргазмалари, компьютерлар, лабораториялар ва синфлар билан таъминланган.

"Саломатлик — туман бойлик" деб халқимиз бекорга айтмайди. Бугунга келиб республикада ўта юқумли касалликлар деярли йўқ. Бу эришилган ютуқлар замирида давлатимиз раҳбари томонидан 1998 йил 10 ноябрда қабул қилинган Дастурнинг аҳамияти катта бўлди. Айни кунларда республикада 44 та стационар, 244 та амбулатория-поликлиника муассасалари ишлаб турибди. 186 та қишлоқ врачлик пунктларида аҳолига бирламчи ёрдам кўрсатилаяпти. Оналар ва болалар саломатлигига давлат миқёсидаги вазифа, деб қаралиши боис, 2004 йилда "Саломатлик-1", 2006-2011 йилларда "Саломатлик-2" ва "Оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш" лойиҳалари доирасида 3 млрд. сўмга яқин тиббий асбоб-ускуналар, анжомлар келтирилди.

Бундан ташқари, тиббий кадрлар малакасини оширишга ҳам катта эътибор берилди. Жумладан, қорақалпоғистонлик кўпгина шифокорлар Япония, Туркия, Эстония, Буюк Британия, Жанубий Корея, Польша, Россия ва Украина каби ривожланган давлатларда малака ошириб келмоқдалар. Шу кунларда республиканинг 11 та соғлиқни сақлаш объектларида янгидан қурилиш ва реконструкция ишлари олиб борилаяпти. Мазкур юмуш учун салкам 25 млрд. сўм маблағ ажратилган.

Республикада оналик ва болаликни ҳимоя қилиш билан бир қаторда аҳолининг, айниқса, оилаларнинг иқтисодий ва маънавий аҳволини яхшилаш борасида кўзга кўринарли ишлар қилинмоқда. Амалдаги йилнинг "Мустаҳкам оила йили" деб эълон қилиниши муносабати билан Давлат дастури амалга оширилмоқда. Бу борада ҳокимликлар ҳузурида ишчи гуруҳлари ташкил этилди. Ёш оилалар уй-жой билан таъминланмоқда. Уларга қонунчилик асосида имтиёзли кредитлар берилаяпти. 70 та никоҳ, 75 та суннат тўйлари ўтказиб берилди.

Ерпўлат КАИПБЕРГЕНОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси прокурори ўринбосари

Шунингдек, хотин-қизларимизнинг жамият ҳаётида фаол иштирок этаётгани ҳаммамизда фахр туйғусини уйғотади. Статистик маълумотларнинг дарак беришича, Қорақалпоғистондаги аҳолининг 51 фоизи хотин-қизлар бўлиб, уларнинг 25619 нафари Халқ таълимида, 600 нафари олий ўқув юртларида, 17850 нафари соғлиқни сақлаш йўналишида хизмат қилмоқда. Қишлоқ хўжалик соҳасида банд бўлганларнинг эса 52 фоизи хотин-қизлардир.

Буларнинг барчаси истиқлол йилларида ҳаётнинг барча соҳаларида Қорақалпоғистон Республикаси эришаётган ютуқларнинг ёрқин намунасидир. Бунда, шубҳасиз, Республика прокуратураси органларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор, албатта. Прокуратура ходимлари қонун устуворлигини таъминлаб, фуқароларнинг ҳуқуқларини, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш, жиноятчиликка қарши курашиш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасида улкан ишларни амалга оширмоқдалар.

Юртбошимиз раҳнамолигида суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар прокуратура тизимида ҳам жиддий ўзгаришларга олиб келди. Эндиликда аҳоли онгидаги эски тузумдан қолган "прокуратура жазоловчи орган" деган тушунчага барҳам берилди. Бузилган ҳуқуқларини тиклаш учун биринчи навбатда прокуратурага мурожаат қилувчи фуқаролар сонининг кўпаяётгани ҳам аҳолининг прокуратурага ишончи тобора ошиб бораётганидан далолат беради.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, истиқлол йилларида прокуратура органларининг моддий-техника базаси янада мустаҳкамланди. Қорақалпоғистон мисолида айтадиган бўлсак, барча туман прокуратуралари янги бинога ўтказилди, техника ва жиҳозлар билан таъминланди.

Хуллас, Қорақалпоғистон эришаётган ютуқларда жонажон Ўзбекистонимиз қўлга киритаётган муваффақиятлар кўзгусидагидек акс этади. Шу юртни она Ватан, деб билган, "Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан" дея яшовчи ҳар бир юртдошимизнинг вазифаси ана шу ютуқларни янада мустаҳкамлашга имкон қадар ҳисса қўшишдир.

Қонунбузилишига йўл қўйилмайди

Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, уларга кенг шароит ва имкониятлар яратиш юртимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг асосини ташкил этади. Бу борадаги қонун ва қонуности ҳужжатларининг тадбиркорлар манфаати нуқтаи назарини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилганлиги ҳамда амалиётда ўзини тўлақонли исботлаётганлиги ҳам фикримизнинг яққол далилидир.



У.САЪДУЛЛАЕВ,
Бош прокуратура бўлим прокурори
Ў.ДЕҲҚОНОВ,
«Huquq»

Бугун тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш, уларнинг қонуний ҳуқуқларининг бузилишига йўл қўймаслик мақсадида прокуратура органлари томонидан доимий назорат тадбирлари ўтказилиб келинмоқда.

Мисол учун, ўтказилган мониторингда назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши Тошкент вилояти ҳудудий комиссиясининг 2011 йил 6 апрелдаги рухсатномаси, Тошкент вилоят Давлат солиқ бошқармасининг 2011 йил 27 апрелдаги буйруғига асосан Ўрта Чирчиқ туманида фаолият кўрсатаётган якка тартибдаги тадбиркор З.Саидовага қарашли савдо шохобчасида 2011 йил 27 апрель куни солиқ хизмати органи ходимлари томонидан қисқа муддатли текшириш ўтказилади.

Текшириш натижасига бинoан тузилган далолатномада тадбиркор сотилган маҳсулот учун олинган 4 минг 100 сўм нақд пулни назорат-касса машинаси хотирасига киритмай, харидорга чек (квитанция) ҳам бермаганлиги, кирим ҳужжати бўлмаган умумий баҳоси 353 минг 100 сўмлик маҳсулотни савдога қўйганлиги, 11 минг 500 сўм нақд пулни назорат-касса машинаси хотирасига кирим қилмасдан яширганлиги кўрсатилади. Шу билан бирга, мавжуд назорат-касса машинасига сертификат олинмаганлиги ҳолатлари ҳам қайд этилган.

Мазкур ҳолатлар юзасидан Ўрта Чирчиқ туман Давлат солиқ инспекцияси томонидан тадбиркорга нисбатан Солиқ кодексининг 114-моддасига асосан 364 минг 600 сўм, 119-моддаси 1-қисмига асосан энг кам иш ҳақининг 30 баравари миқдорида, яъни 1 млн. 492 минг 50 сўм, 119-моддаси 3-қисмига асосан энг кам иш ҳақининг 100 баравари миқдорида — 4 млн. 973 минг 500 сўм молиявий жарима қўллаш ҳақида қарор қабул қилинади. Қарор тадбиркор томонидан бажарилмагач, солиқ органи молиявий жарима қўллаш ҳақидаги ариза билан Тошкент вилоят хўжалик судига мурожаат қилади.

Ўз навбатида биринчи инстанция судининг 2011 йил 8 сентябрдаги ҳал қилув қарори билан ариза тўлиқ қаноатлантирилиб, тадбиркорга нисбатан жами 6 млн. 830 минг 150 сўм молиявий жарима қўлланилади.

Аммо иш материаллари Тошкент вилоят прокуратураси томонидан ўрганилганда, тадбиркорга молиявий жарима нотўғри қўлланилганлиги аниқланиб, суд қарорига нисбатан кассация протести ва тадбиркор томонидан кассация шикояти келтирилади. Протест ва шикоятда тадбиркорга нисбатан Солиқ кодексининг 119-моддаси 3-қисмига асосан қўлланилган 4 млн. 973 минг 500 сўм молиявий жаримани бекор қилиш сўралади.

Олий хўжалик судининг кассация инстанциясида иш ҳужжатларини ўрганиш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 апрелдаги қарорига асосан савдо шохобчасига ўрнатилган назорат-касса машинасига тегишли равишда сертификат олинмаганлиги ҳақидаги важ билан Солиқ кодексининг 119-моддаси 3-қисмига асосан тадбиркорга нисбатан энг кам иш ҳақининг юз баравари миқдорида молиявий жарима нотўғри қўлланилганлиги исботланди.

Чунки, назорат-касса машинасининг "Ўзстандарт" агентлиги кўригидан ўтмаганлиги ва сертификатга эга бўлмаганлиги унинг техник талабга жавоб бермаслигини англатмайди ва бу ҳолат учун Солиқ кодексининг 119-моддаси 3-қисмидаги жавобгарлик назарда тутилмаган. Техник талабга жавоб бермайдиган назорат-касса машинасидан фойдаланганлик ёки фискал хотирасининг хизмат кўрсатиш дастури бузилган назорат-касса машинасидан фойдаланганлик, шунингдек, пластик карточка асосида тўловни қабул қилишни рад этганлик Солиқ кодексининг 119-моддаси 3-қисмида назарда тутилган миқдорда жаримага сабаб бўлади.

Бундай ҳолатда назорат-касса машинасининг техник талабларга жавоб бермаслиги тегишли мутахассис хулосаси билан ҳам исботланган бўлиши лозим бўлади. Бироқ, солиқ органи томонидан мутахассиснинг тадбиркорга тегишли назорат-касса машинаси техник талабларга жавоб бериши ҳақидаги 2011 йил 27 апрелдаги техник хулосаси асоссиз равишда инобатга олинмаган бўлиб чиқди. Мутахассиснинг хулосасида назорат-касса машинасининг техник талабга жавоб бермаслиги кўрсатилмай, аксинча, назорат-касса машинасининг ишга яроқли эканлиги қайд этилган.

Ана шуларни батафсил ўрганган прокуратура органи протест киритиш орқали Олий хўжалик суди кассация инстанциясининг 2012 йил 10 январдаги қарори билан тадбиркорга нисбатан асоссиз равишда қўлланилган 4 млн. 973 минг 500 сўм молиявий жарима бекор қилинишига эришиб, тадбиркорнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, бу борадаги ишлар келгусида ҳам прокуратура органларининг доимий назоратида бўлиб қолади.

Фаровонлик кафолати

Тадбиркорлик ва ишбилармонлик азал-азалдан мамлакат иқтисодий салоҳияти даражасини белгилайдиган омил, бошқача айтганда, иқтисодиёт таянчи, тараққиёт пойдевори, халқ фаровонлигининг кафолати бўлиб келган. Соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг "Тажрибамда кўрилганким, азми қатъий, тадбиркор, ҳушёр, мард ва шижоатли бир киши мингта тадбирсиз, лоқайд кишидан яхшироқдир", деганлари бежиз эмас.

Деҳқонбой АБДУЛЛАЕВ,
Қамаши туман прокурори

Ота-боболаримиз қадимда ҳам тадбиркорлик билан шуғулланиб келишган. Ўзлари ишлаб чиқарган молларни туя карвонларида олис ўлкаларга олиб бориб сотишган ва узоқ юртлардан ҳам халқимиз эҳтиёжи учун керакли товарлар олиб келишган.

Мамлакатимиз истиқлолга эришгач, Президентимиз Ислом Каримов ва ҳукуматимиз томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, уларга имтиёзлар бериш, давлат идораларининг тадбиркорлик фаолиятига аралашувини қатъий чеклаш, уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашни кафолатловчи бир қатор муҳим аҳамиятга молик норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Улардан энг асосийси — Конституциямиздир. Унинг 53-моддаси 1-қисмига мувофиқ, давлат иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони мазкур конституциявий норманинг ҳаётга татбиқ этилишини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2011 йил 9 февралдаги "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини кучайтириш тўғрисида"ги 87-сонли буйруғининг қабул қилиниши билан эса туман прокуратурасининг бу борадаги назорат фаолияти янада кучайтирилди.

Хусусан, туманда ишлаб чиқилган манзилий дастур бўйича 791 та кичик бизнес субъектлари ташкил этилиб, тижорат банклари томонидан уларнинг 60 та лойиҳасига 2572,1 млн. сўмлик кредит маблағлари ажратилиши таъминланди.

Ўтган давр мобайнида туман прокуратураси ёрдами билан жойларда 493 та кичик бизнес субъектлари ташкил этилиб, 28 нафар тадбиркорга 480,6 млн. сўм кредит маблағлари ажратилган. Хусусан, туман прокуратурасининг бевосита кўмаги ва амалий ёрдами билан тумандаги "Сан-С" ишлаб чиқариш кредит корхонасига айланма маблағларини шакллантириш, корхона ишини йўлга қўйиб олиш учун ОАТБ "Микрокредитбанк" Қамаши туман филиали томонидан жорий йилнинг май ойида 50 млн. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилиши таъминланди.

Шунингдек, бевосита туман прокуратурасининг ёрдами билан 18 нафар тадбиркорга 13,4 гектар ер майдони ажратиб берилган. Жумладан, "Муродов Зикрилла" хусусий корхонасига чорвачилик ва боғдорчилик учун 5 гектар ва фуқаро Х.Жабборовга тўйхона қуриш учун 2400 кв.м. ер майдони ажратилишига кўмаклашилган.

Шу каби туман прокуратурасининг бевосита амалий ёрдами билан ўтган даврда 30 дан ортиқ тадбиркорга кредит ва ер майдонлари ажратиб берилиши таъминланди. Иқтисодиёт тармоқларини, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида амалга оширилган ишлар натижасида туманда 2012 йилнинг ўтган беш ойида барча манбалар ҳисобидан жами 100 та янги иш ўринлари яратилди.

Прокурор назоратини таъминлаш жараёнида тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклашга алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада аниқланган қонунбузилиши ҳолатлари тегишли прокурорлик назорати ҳужжатларини қўллаш орқали бартараф этиб борилмоқда.

Хусусан, туман давлат санитария эпидемиология маркази, туман ДСИ ва туман ҳокимлигида ўтказилган текширишлар натижаларига кўра, тадбиркорлик субъектлари фаолияти билан боғлиқ 17 та ғайриқонуний ҳужжатга нисбатан протест келтирилиб, аниқланган қонунбузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имкон яратган шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан 2 та тақдимнома киритилди. Ўз фаолиятлари давомида қонунбузилишига йўл қўйган 4 нафар мансабдор шахсга нисбатан интизомий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилиб, 2 нафар мансабдор шахс қонунбузилишига йўл қўймаслик хусусида расман огоҳлантирилди.

Тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг бузилиши ҳолатларини тезкор аниқлаш ва уларни тиклаш мақсадида "007" рақамли ишонч телефони имкониятларидан ҳам кенг ва самарали фойдаланиб борилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида ишонч телефонига тадбиркорлардан келиб тушган мурожаатларнинг 5 таси қаноатлантирилиб, 2 та мурожаат юзасидан уларга қонун талаблари тушунтирилган. Жумладан, якка тартибдаги тадбиркор Ш.Ҳайитовнинг туман прокуратураси ишонч телефонига қилган мурожаати юзасидан олиб борилган текшириш натижаларига кўра, Қамаши туман ҳокимининг 2011 йил 23 февралдаги ноқонуний қарорига нисбатан протест келтирилиб, тадбиркорнинг бузилган ҳуқуқлари тикланиши таъминланди.

Берилган имкониятлардан тўлақонли фойдаланаётган тадбиркорларимиз меҳнати эвазига юртимиз бозорлари янги, сифатли маҳсулотлар билан бойимоқда. Улар томонидан ишлаб чиқарилаётган рақобатбардош маҳсулотлар нафақат ички, балки жаҳон бозорларида ҳам ўзининг муносиб ўрнини эгаллаб келаяпти.

Ҳа, мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга қаратилган қонунчилик механизмининг шакллантирилганлиги бугунги кунда ишбилармон кишилар доираси кенгайишига, иқтисодиётимиз ривожида кичик ва ўрта бизнес вакиллари улушининг ортиб боришига замин яратмоқда. Тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш биз прокуратура органлари ходимларининг муҳим вазифаларимиздан биридир. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, мулкдорлар, тадбиркор ва ишбилармонларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш бугунги кунда энг катта аҳамиятга эга бўлган вазифалардан биридир. Чунки миллатнинг келажаги, юртнинг ободлиги ишбилармонлар ва тадбиркорларга ҳар жиҳатдан боғлиқ эканлигини бугун даврнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Эркин ва обод Ватан

унда бахтли тақдир эгалари яшашга муносиб

Шуҳрат ДЕҲҚОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати



Инсоният ҳаёти орзу-умидлар, эзгу ниятлар ва уларнинг рўёби йўлидаги саъй-ҳаракатлардан иборат. Ҳар бир юрт, ҳар бир мамлакат эса, келажак сари одимлаб бораркан, ўз олдига муайян ғоя ва мақсадларни қўяди. Иқтисодий-ижтимоий, сиёсий, маънавий-маърифий жиҳатдан юксалиш, халқнинг турмуш тарзини яхшилаш, фаровон келажакни яратиш каби вазифалар шулар жумласидандир. Бироқ, бу борада ҳамма давлатлар ҳам ўзи кўзлаган марраларга етавермайди. Бунинг учун энг аввало, ўз тараққиёт йўлини тўғри белгилай олиш ва ана шу йўлдан оғишмай, қатъият билан илгарилаш зарур. Бугун курраи заминда икки юзга яқин давлат мавжуд бўлса, улар орасида ривожланган мамлакатлар бармоқ билан саноқли.

Бу жиҳатдан ўз мустақиллигини қўлга киритганига эндигина йигирма бир йил тўлган Ватанимизга жаҳон аҳли ҳавас билан боқаётгани бор гап. Боиси, кўҳна тарих учун оний вақт ҳисобланган мана шу давр мобайнида барча соҳаларда амалга оширилган улкан ҳажмдаги ислоҳотлар самараси туфайли дунёнинг энг илғор демократик давлатлари қаторидан муносиб ўрин эгалламоқдамиз. Диёримиздаги тинч ва тотув, фаровон ҳаётни таъминлаш йўлидаги бунёдкорона меҳнат, мустақил юритилаётган ички ва ташқи сиёсат, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳуқуқий кафолатлари, энг асосийси, биз танлаб олган ўз йўлимиздан оғишмай, қатъият билан, дадил одимлаётганимиз эришаётган салмоқли ютуқ ва муваффақиятларимиз гарови бўлмоқда.

Қувонарлиси, онгу тафаккуримизда ҳам мутлақо янгича дунёқарашни шакллантирган истиқлолнинг буюк моҳияти ва аҳамиятини, мустақиллик аталмиш улуғ неъматнинг ҳаётимизда тутган ўрни ва қадрини ватандошларимиз бугун янада теран идрок этмоқдалар.

Зеро, ўз тақдиримизни ўзимиз белгилаш ҳуқуқини, эркин ва озод ҳаётни, ҳурриятни осонликча қўлга киритганимиз йўқ. Мана шу ўта мураккаб йўлда қанчадан-қанча заҳмату машаққатларга дучор бўлиб, оғир синовларни бошдан кечирганимиз тарихий ҳақиқат. Муҳтарам Президентимизнинг маънавий жасорати ва матонати, қатъияти, меҳнаткаш халқимизнинг мустаҳкам иродаси ва фидойилиги туфайли танлаган йўлимиздан ортга чекинмаганимиз боис бугун озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон жамиятда муносиб яшаяпмиз. Жаҳон ҳамжамиятининг ҳақли эътирофига сазовор бўлган бундай улуғвор янгиланишлар мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ, тараққиётнинг "ўзбек модели"-ни белгилаб олиб, аниқ мақсад билан, чуқур ўйланган ислоҳотларни ҳаётга изчил жорий этишга йўналтирилган оқилона сиёсатнинг амалий ифодасидир.

Йигирма бир йилдирки, мамлакатимизда ҳуқуқий демократик, кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида изчил саъй-ҳаракатлар олиб бормоқдамиз. Албатта, бунда асосий эътибор ҳуқуқ устуворлигига, қонун олдида ҳамманинг тенглиги принципига ҳамда ҳокимиятлар тақсимланиши тамойилига тяниладиган давлат бошқарувига қаратиб келинмоқда.

Шу боис мамлакатимизда миллий қонунчилик тизимини такомиллаштиришга қаратилган эътибор босқичма-босқич, тадрижий равишда давом эттирилмоқда. Бинобарин, барча соҳаларда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар негизида инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш ва ҳимоя қилишдек эзгу мақсадлар мужассам. Фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ишончли ҳимоясини таъминлайдиган миллий қонунчилигимиз халқаро ҳуқуқий меъёрлар билан уйғунлашгани алоҳида аҳамиятга моликдир.

Шу маънода, йигирма бир йиллик тантанасини нишонлаётган мустақил мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузи, обрў-эътибори ортиб бораётганлиги ҳар бир ватандошимизнинг кўксини осмон қадар юксакларга кўтаради.

Ҳа, инсон манфаатлари устувор бўлган жамиятимиз тараққиёти беш тамойил асосидаги изчил ислоҳотлар туфайли бекиёс марраларга юз тутди, ўзгаларнинг ҳавасини келтирадиган даражада камолотга эришди. Энг муҳими, юртимизда тинчлик ва осойишталик ҳукмрон, ҳар жабҳада бунёдкорлик, яратиш, яшнатиш, ободлик завқи ўзгача.

Жаҳондаги баъзи давлатларни кузатинг-а?! Бутун умри урушлар-у таҳликалар остида ўтаётган халқлар камми? Турли талотўплар, ғавғоларга тўла айрим давлатларда яшаётган одамларнинг энг катта орзуси — ўз уйида тинчгина яшаш экани айримларга балки эриш туюлар?! Аммо бугунги куни хотиржамликда ўтганига шукр қилиб яшайдиган, эртаси ҳақида бирор тасаввури бўлмаган минглаб инсонларнинг борлиги аччиқ ҳақиқат. Шулар ҳақида ўйлар эканмиз, озод ва тинч Ватанимизда хотиржам ўтаётган умримизнинг нечоғли қадрли эканини дилдан ҳис қиламиз. Зотан, Президентимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида ёзилганидек, "Агар биз аҳил бўлсак, эл-юрт манфаати йўлида бир тану бир жон бўлиб яшасак, ўзимиздан сотқин чиқмаса, ўзбек халқини ҳеч ким ҳеч қачон енга олмайди".

Ватанимизнинг равнақи, юртимизнинг осойишталигию, истиқболимизнинг нурафшон бўлиши ҳар биримизга боғлиқ. Фақат атрофимизда содир бўлаётган воқеаларга бефарқ бўлмай, ҳар қандай вазиятга синчков муносабатда бўлиб яшаш фуқаролик бурчимиздир. Ўз уйимиз, маҳалламиз, шаҳримиз ёки қишлоғимиз, умуман, бутун диёримизнинг тинчлиги ўз қўлимизда. Дарҳақиқат, бундай жаннатмонанд юрт дунёнинг ҳеч бир ерида топилмайди. Зеро, Она Ватанни кўз қорачиғидай асрашга, ҳамиша огоҳ бўлиш, эзгуликка, дунёни билишга, ўзлигимизни асрашга, қолаверса, инсон деган улуғ номга муносиб яшашга интилишимиз зарур. Бу порлоқ эртамиз учун, фарзандларимиз камоли учун ҳам керак.

Ниятимиз эса мустақиллигимиз мангу бўлсин, юртимиз камолига ҳеч қачон кўз тегмасин! Бахтли тақдиримизга эш бўлган эркин ва обод Ватанимиз бунданда буюк марраларни забт этаверсин!

Мустаҳкам оила – юрт таянчи

Аҳроржон АБДУЖАББАРОВ,
Бош прокуратураниг Олий ўқув курслари бўлим бошлиғи

Ҳар бир кишининг ҳаётида оила муҳим ўрин тутади. Оилада бола улғаяди ва ҳаётининг илк кунларидан бошлаб инсоний муносабатларни ўзлаштира бошлайди. Оилада боланинг атроф-муҳитга бўлган муносабати тартибга солиниб, маънавий ва ахлоқий қоидалардан тажриба орттирали.

Энг кичик ижтимоий институт ҳисобланган оила жамиятнинг ижтимоий негизи сифатида талқин қилинади. Шу ўринда оиланинг ижтимоий институт сифатида бир нечта босқичини санаб ўтсак. Булар қуйидагилардир:

— никоҳга киришиш;

— биринчи боланинг туғилиши;

— бола парваришлашнинг тамомланиши;

— охирги болани алоҳида рўзғор қилиб чиқариб юбориш;

— эр-хотиндан бирининг ўлими муносабати билан никоҳнинг тугатилиши.

Оила — бу инсон томонидан яратилган ва унинг дилига яқин бўлган яшаш муҳитидир. Оила аъзолари қондош алоқалар орқали бир-бирига боғланган, оила қариндошларни, яъни уларнинг барчасини, ҳаёт бўлганларни, вафот этганларни, узоқ ва яқинларни бирлаштиради.

Оиланинг мавжуд бўлиш шартларидан бири бу оиладаги ўзаро муносабатлардир. Болаларнинг дунёга келиши ва тарбияланиши, хўжалик юритилиши, оиланинг барча аъзолари манфаатлари қандай қондирилаётганлиги, ўзаро тушуниш, ҳурмат, қўллаб-қувватлаш — буларнинг барчаси оиланинг ичидаги ўзаро муносабатларни ташкил қилади. Шунингдек, қариндошларнинг саломатлиги, характери ва қилмиши ҳам оиладаги ўзаро муносабатларни шакллантирувчи омиллар ҳисобланади.

Оиланинг асосий функцияси бу унинг репродуктивлиги, аҳолини биологик жиҳатдан шакллантирувчи омил эканлигидир. Қайд этилганлар оиланинг асосий функцияси бўлса-да, унинг бир қатор ижтимоий функциялари ҳам мавжуддир:

— тарбиявий;

— хўжалик-маиший — оиланинг жисмоний аҳволига дастак бўлиш, болалар ва қариялар ҳақида ғамхўрлик қилиш;

— иқтисодий — оиланинг бир аъзосидан бошқа аъзоси учун моддий бойликлар олиш, вояга етмаган ва қарияларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш;

— ижтимоий назорат — оила аъзоларининг жамиятдаги, фаолиятнинг турли соҳаларида хулқ-атвори учун жавобгарлиги, яъни эр-хотин, ота-она ва болалар, кекса авлод ва ёшлар ўртасидаги ўзаро мажбурият тизими;

— маънавий мулоқот — ҳар бир оила аъзосининг маънавий жиҳатдан камолотга етиши;

— ижтимоий мақом — оила аъзоларига жамиятда муайян ижтимоий мақомни эгаллаши учун имконият тақдим этилиши;

— дам олишни ташкил қилиш — ҳар бир оила аъзосининг дам олиш вақтини оқилона ташкил қилиш, ҳар бир оила аъзосининг манфаатини ўзаро бойитиш;

— эмоционал — ҳар бир оила аъзосини психологик ҳимоялаш, шахснинг ҳиссиётларидаги барқарорликни таъминлаш, психологик терапияни амалга ошириш.

Шахснинг ижтимоий ҳимояси жорий қилинган ҳар қандай давлатда бу масалани фақатгина оилани ҳимоялаш орқали амалга ошириш мумкин. Оила жамиятнинг асосий бўғини сифатида одамларни бирлаштиради, ёш авлодни тарбиялашни, шахснинг дунёни англашини, меҳнат фаолиятини ташкил қилади. Оиланинг мақоми ота ва онанинг хулқ-атвори, уларнинг болалар тарбиясида тутган ўрнига боғлиқ бўлади. Ота-онанинг болалари учун ўрнак бўла олиши ҳам жуда аҳамиятлидир, айрим ҳолларда, улардан бирининг бўлмаслиги боланинг ривожланишига салбий таъсир қилади. Бундай болалар кўпинча асабий, таҳликали ва ваҳимали бўлиб қолишади.

Оилада болаларнинг саломатлиги мустаҳкамланади, уларнинг истеъдоди ва қобилияти ривожлантирилади. Уларнинг таълими, ақлан ривожланиши ҳақида ғамхўрлик кўрсатилади. Шунингдек, инсоний хислатларнинг кўринишларига асос солинади. Болада меҳр ва раҳмдиллик шакллантирилади, у ўзининг ҳаракатлари учун жавоб беришни ўрганади.

Айнан шу маънода, ўзбек халқида оилани қадрлаш ва уни асраш борасида муайян кўникмалар асрлар оша шаклланиб келган. Оиланинг нечоғлик азиз ва қадрдон экани унинг аъзолари онгу шуурида чуқур илдиз отган.

Мозийга назар ташласак, халқимизнинг буюк аждодлари ўзидан қолдирган мероссларда оилага жуда катта эътибор беришганини кўришимиз мумкин. Чунончи, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Алишер Навоий сингари буюк боболаримиз асарларида ҳам оила аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатлар, бола тарбиясида ота-онанинг, оиланинг ўрни масаласига алоҳида аҳамият қаратилган. Ибратли ҳикоятлар, ривоятлар, фарзандларига мактублар, ҳикматли сўзлар орқали насиҳатларини, ҳаётий хулосаларини ёзиб қолдирганлар.

Оилани мустаҳкамлаш Президентимиз бошчилигида олиб борилаётган изчил ислоҳотларда ҳам намоён бўлмоқда. Биргина, 2007 йил 18 майдаги "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги, 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонлари, мазкур йилнинг "Мустаҳкам оила йили" деб аталиши фикримизга далил бўла олади.

Шунингдек, ёшлар ва ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш имкониятига эга бўлган шахсларга давлат ва хусусий банклар томонидан имтиёзли ҳамда истеъмол кредитлари ажратилиши оилани мустаҳкамлашга яна бир замин бўлиб хизмат қилмоқда. Зеро, юртимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг негизида халқ фаровонлиги, мамлакат тинчлиги, оилалар мустаҳкамлиги ва баркамол авлодни тарбиялашдек эзгу мақсадлар ётади.

Шу маънода "Мустаҳкам оила йили"-да амалга оширилаётган ишлар ҳам бу борада ўз ижобий натижаларини кўрсатади.

Имкониятларга кенг йўл

2012 йил 26 апрелда Ўзбекистон Республикаси "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги Қонунининг қабул қилиниши азалдан тадбиркорлик, ҳунарманчилик билан дунёга танилган бухороликлар учун изланиш, ташаббускорлик ва яратувчанлик иштиёқига янгича руҳ бағишлади. Ушбу қонун тадбиркорлик ва кичик бизнесни истиқлол йилларида тадрижий ривожлантиришнинг мантиқий давоми ҳамда миллий ўзига хослик саҳифаси бўлди, дейиш жоиз. Бинобарин, истиқлолнинг ўтган даври мобайнида мамлакат иқтисодий барқарорлигини таъминлаш, экспорт салоҳиятини юксалтириш биринчи навбатда халқ турмуш фаравонлигини юксалтирди. Бунда тадбиркорлик соҳасининг равнақ топиши муҳим аҳамият касб этганини ҳаётнинг ўзи кўрсатди. Мустақилликнинг илк йиллариданоқ Президентимиз раҳнамолигида тадбиркорлик тизимида туб ислоҳотлар бошланиб, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси, аввало, 1992 йилнинг 8 декабрида қабул қилинган Конституциямиз билан кафолатлаб қўйилди.

Комилжон ҲАСАНОВ,
Бухоро вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши боис одамларнинг нафақат хусусий мулкка, балки меҳнатга бўлган муносабати ўзгарди. Хусусий мулк эгалари — ўрта мулкдорлар синфи шаклланди. Бугунги кунда давлатимиз иқтисодиётининг негизи, мамлакат сармоявий салоҳиятининг асоси — тадбиркорликнинг изчил ривожланиши учун мустаҳкам ҳуқуқий механизм яратилди. Ўтган йилнинг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилиниши муносабати билан тизимга оид, тадбиркорларнинг эркин фаолият юритиши, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя этиш мақсадида Президентимиз томонидан қабул қилинган Фармон ва қарорлар, ҳукумат қарорлари, соҳа тараққиётини том маънода янги босқичга олиб чиқди. Тадбиркорга нафақат қулай шарт-шароит, балки соғлом молиявий муҳит ҳам яратилди.

Нақшлардаги тақрорланмас чизгилар, қурилиш тарҳидаги мукаммаллик билан дунёни ҳайратга солган Бухоронинг ўзига хос тадбиркорлик мактаби бор. Биргина ҳунармандчилик йўналишида ганч, ёғоч, суяк, тош ўймакорлиги, кандакорлик, заргарлик, зардўзлик, касаначилик, косибчиликнинг ўнлаб турлари мавжуд. Ҳар бири алоҳида санъат тури сифатида асрларга тенгдош тарихга эга. Бугунги кунда вилоятда соҳанинг қадимий анъаналарини ривожлантириб келаётган 574 нафар ҳунарманд уста-шогирд анъаналарини қадрлаб, ҳунарларини оилавий сулолада бардавомлигини таъминлаб фаолият олиб боришмоқда. Алоҳида халқ амалий санъатининг барча турларини ўргатиш бўйича ўрта умумтаълим мактабларида тўгараклардан ташқари, амалий санъат синфлари ташкил этилган. Бунда амалий санъат усталари сабоқ ўтишади. Тафаккури, интеллектуал салоҳиятининг маҳсули — яратган ижод намунаси рақобатбардош маҳсулоти билан жаҳон бозорига чиқаётган юзлаб ҳунармандларнинг кенжа авлод вакиллари ҳунарнинг нозик сирларини қунт билан ўрганишади.

Таъбир жоиз бўлса айтиш керакки, бугунги тадбиркор давлатнинг иқтисодий таянчи бўлиб хизмат қилмоқда. Ишбилармон фермернинг ер билан тиллаша олиши бозорларимиз пештахталарини мевалар, полиз маҳсулотлари билан таъминламоқда. Аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишда муҳим тармоқ сифатида эътироф этилаётган тадбиркорлик тизими янги иш ўринлари барпо этилишида ҳам кўлами кенг имкониятлар майдонига айланди.

Таъкидлаш жоизки, ушбу жараён прокуратура органлари зиммасига катта масъулият юклади.

Маълумки, сўнгги йилларда Президентимиз ва ҳукумат томонидан давлат идораларининг тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашувини қатъий чеклаш, уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашга кафолатлар берувчи бир қатор муҳим аҳамиятга эга бўлган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 3619-сонли Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига тадбиркорлик фаолияти эркинлиги кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг сўзсиз бажарилиши устидан назоратни кучайтириш, назорат органлари мансабдор шахсларининг тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини бузганликлари учун жазо муқаррарлигини, ҳатто уларнинг жиноий жавобгарликка тортилишини таъминлаш вазифаси юклатилди.

Бош прокурорнинг 2011 йил 9 февралдаги 87-сонли буйруғи талабларидан келиб чиқиб, жойларда доимий равишда тадбиркорлар билан учрашувлар ўтказилиб, ушбу учрашувлар жараёнида уларнинг муаммоларини бошқа назорат органлари билан ҳамкорликда ҳал қилиш чоралари кўрилмоқда.

Шу нуқтаи назардан вилоят прокуратураси ташаббуси билан Давлат солиқ инспекцияси, банклар, архитектура ва қурилиш идораси, маҳаллий ҳокимликлар вакиллари мутасадди раҳбарларни жалб қилган ҳолда Қоровулбозор, Қоракўл, Вобкент, Бухоро туманлари, Бухоро, Когон шаҳарларида тадбиркор-ҳунармандлар, кичик бизнес билан шуғулланаётган ишбилармонлар, юқори курс коллеж талабалари билан ҳамда Республика Бош прокурорининг кўрсатмалари асосида хорижий инвесторлар иштирокидаги корхоналар раҳбарлари билан анъанавий равишда очиқ мулоқотлар ташкил этилмоқда. Шунингдек, тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда "007" рақамли ишонч телефони ошкора мулоқот воситасига айланди. Вилоят прокуратурасининг биносида оилавий бизнесни ривожлантириш йўналишида аҳолига ҳуқуқий маслаҳатлар бериш мақсадида хона ташкил этилди. Зеро, бугунги тадбиркор нафақат ўз соҳасининг билимдони, балки ҳуқуқий маънавиятли бўлиши ҳам кераклиги нафақат давр тақозоси, балки ҳаётий эҳтиёжга ҳам айланди. Прокуратурага ҳуқуқларини ҳимоя қилишни ёхуд муаммоларини ҳал қилишни сўраб мурожаат қилган тадбиркор биратўла ҳуқуқий маслаҳатлар олиш имкониятига эга бўлгани мақсадга мувофиқ, албатта.

Аҳамиятга молик жиҳат шундаки, тадбирларда ўрта мулкдорлар синфи ривожланишига тўсиқ бўлаётган ҳолатлар бартараф этилиб, кредит олиш, бино ажратиш, рўйхатдан ўтиш, фаолиятга ноқонуний аралашиш билан боғлиқ муаммолар жойида ҳал қилинишига эришилмоқда. Фикримизни Бухоро тумани тадбиркорлари билан вилоят прокурорининг навбатдаги учрашуви мисолида давом эттирамиз.

Чунончи, "Шергирон" қишлоқ фуқаролар йиғини "Чорбакр" қишлоғида яшовчи зардўзлик билан шуғулланиб келаётган Робия Юнусова тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида ишлаб чиқарилган зардўзлик маҳсулотларини кўргазмага қўйиш учун "Чорбакр" мажмуасидан кўргазмалар зали очишда ёрдам сўраб мурожаат қилди.

— Кўргазмалар залидан ташқари, шогирдларимга қулай иш шароити яратиш, янги иш ўринлари барпо этиш учун ер майдони ҳам ажратилса янада шижоат билан ишлардим, — дейди учрашувда зардўзликда ўзига хос катта тажрибага эга тадбиркор аёл Робия Юнусова.

Россия Федерациясига кетган ўғилларини қайтариб чақириб олган Суннат Неъматов ҳам тадбиркорлик туфайли ҳалол меҳнатдан барака топгани, бугун фарзандлари бағрига қайтиб, оилавий тадбиркорликни йўлга қўйганини фахрланиб гапиради. Юзма-юз мулоқотда новвойхона қуриш учун ер ажратилишида амалий ёрдам сўраган С.Неъматовга туман ҳокимининг қарори билан ер майдони ажратилган эди. Тадбиркорнинг истиқболли режалари улкан. Оилавий тадбиркорлик кўламини кенгайтириб, новвойхона олдидан ошхона очиб, бир нечта қишлоқдошларини ҳам иш билан таъминламоқчи. Тумандаги иқтисодиёт коллежи талабаси У.Обидова, қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи талабаси З.Йўлдошева, Б.Аҳмедовларга тадбиркорликнинг турли йўналишларида фаолият бошлашлари учун имтиёзли кредит ажратиш масалаларида амалий ёрдам кўрсатилди.

Бундан ташқари, маҳаллий ҳокимликлар, давлат бошқаруви ва назорат-текширув идоралари томонидан тадбиркорлик субъектларига нисбатан чиқарилган қарор ва фармойишлар, ҳуқуқий ҳужжатлар, қўлланилган маъмурий ва молиявий жарималарнинг қонунийлиги ўрганилиб, тегишли прокурор назорати ҳужжатлари қўллаш орқали уларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланиши таъминланиб борилмоқда.

Мисол учун, Когон туман ҳокимининг 2011 йил 18 апрелдаги 263-сонли қарори билан фуқаро Б.Турсуновга туман ҳокимининг заҳира фондидан жами 1,84 гектар ер майдони ажратиб берилган. Ушбу қарор қонунийлиги ўрганилганда, қарорда кўрсатилган туман ҳокимлиги заҳира фондида 292-сонли контур мавжуд эмаслиги, 1,84 гектар ер майдони ажратишда фермер хўжалиги раҳбарининг розилиги олинмасдан Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 24-моддаси талабларига зид равишда ажратилганлиги аниқланиб, ушбу қарорни бекор қилиш ҳақида протест келтирилиб, ноқонуний ажратилган ер майдони фермер хўжалигига қайтарилиши таъминланди.

Биргина ўтган давр мобайнида вилоят прокуратураси органлари томонидан назорат тадбирлари давомида назорат идораларининг 38 та ноқонуний ҳужжатларига протест келтирилиб, қонунбузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бартараф этиш тўғрисида 26 та тақдимнома киритилди, 55 нафар мансабдор шахслар интизомий ва 12 нафар мансабдор шахсларнинг маъмурий жавобгарликка тортилиши таъминланди. Судларга 66 млн. сўмлик 4 та даъво аризаси киритилиб, қўпол қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 2 та ҳолатда жиноят иши қўзғатилди.

Жумладан, Бухоро туман ҳокимлигида тадбиркорлик субъектларидан келиб тушган мурожаатларнинг қонунда белгиланган муддатларда кўриб чиқилиши ва уларнинг қонуний ҳал қилиниши аҳволи ўрганилганда, фуқаролар С.Очилова, Ж.Қурбонов, Т.Ўринов, Д.Шароповаларнинг тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиш ва уларга бино қуриш учун ер ажратиш ҳақидаги аризалари туман ҳокимининг биринчи ўринбосари З.Тохиров ва туман ер тузиш кўчмас мулк кадастри бошлиғи Ё.Тўқлиевлар томонидан қонунда белгиланган муддатларда кўриб чиқилмасдан оқибатсиз қолдирилгани аниқланди. Уларга нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 43-моддаси билан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш қўзғатилиб, жазо муқаррарлиги таъминланди.

Булардан ташқари, назорат-текширув органлари томонидан тадбиркорлик субъектларига нисбатан қўлланилган 938 та маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги қарорларининг қонунийлиги ўрганилиб, 24 таси протест келтириш орқали бекор қилиниб, қонун талабларига мувофиқлаштирилиши таъминланди.

Жумладан, Бухоро шаҳар Давлат солиқ инспекцияси бошлиғининг қарорига асосан Бухоро шаҳридаги "Бухоро АСС" хусусий корхонасида ўтказилган текширишда, корхона раҳбари А.Эргашев ва бош ҳисобчиси М.Ганиевалар 2010 йил 3-чорак учун бюджетдан ташқари тўловлари бўйича ҳисоботларни ўз вақтида топширмаганлиги учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 175-моддаси 1-қисми билан маъмурий жавобгарликка тортилган.

Ушбу қарор қонунийлиги ўрганилганда, корхона мансабдор шахслари Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс талабларига зид равишда маъмурий жавобгарликка тортилганлиги аниқланиб, ушбу қарорни бекор қилиш ҳақида протест келтирилди.

Шу даврда назорат-текширув идораларининг 322 та молиявий санкция қўллаш ҳақидаги қарорлари ўрганилиб, 13 та ноқонуний қарор бекор қилинди.

Масалан, Шофиркон туман Давлат солиқ инспекцияси бошлиғининг қарори билан якка тартибдаги тадбиркор Раҳимов Ҳаётга қарашли савдо дўконида назорат-касса машинасини ўрнатмасдан савдо қилганлиги, харидорга 5500 сўмга харид чеки бермаганлиги учун энг кам иш ҳақининг 30 баравари, яъни 1,5 млн. сўм миқдорида ва сотиш баҳоси 1,9 млн. сўмлик кирим ҳужжатлари мавжуд бўлмаган 37 турдаги маҳсулотлар сотувга қўйилганлиги учун 2,1 млн. сўм, жами 3,6 млн. сўм миқдорида молиявий жарима қўллаш ҳақида қарор қабул қилинган.

Ушбу қарор Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 15 июлдаги "Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисида"ги Қарори талабларига зид равишда, яъни савдо дўконида кирим ҳужжатлари мавжуд бўлмаган, чет элда ишлаб чиқарилган моллар 1,8 млн. сўм миқдорида деб асоссиз баҳоланганлиги аниқланиб, ушбу қарорни бекор қилиб, қонун талабларига мувофиқлаштириш ҳақида Шофиркон туман прокуратураси томонидан протест келтирилди.

Худди шунингдек, Вобкент туман прокуратураси томонидан туман ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясида ўтказилган текширишда инспекция бошлиғи томонидан фуқаро Н.Салимованинг "Шахбоз Мобил Сервис" хусусий корхонасини рўйхатдан ўтказишни сўраб ёзган аризасига асосан ундан 17,2 минг сўм миқдорида ортиқча давлат божи олинишига йўл қўйилганлиги ва шу каби бошқа қонунбузилиши ҳолатлари аниқланиб, инспекция бошлиғи М.Иноятовга нисбатан интизомий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилди.

Дарҳақиқат, ҳуқуқий маданияти юксалган, ишончли истиқболли режалар тузишга қодир, ҳалол меҳнатдан бахт топишни билган кишиларда яратувчанлик, ташаббускорлик, маънавий жасорат характерга айланади. Ўзини ҳақиқий мулк эгаси деб билган тадбиркор нафақат оиласи, фарзандлари эртасини, балки бутун жамият келажагини, мамлакат иқтисодий қудратини юксалтиришни ҳам унутмайди. "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури доирасида белгиланган чора-тадбирларнинг ҳаётга татбиқ этилиши, "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши ана шундай касб-ҳунарини қадрлайдиган тадбиркор юртдошларимизга янада шижоат билан ишлашга имконият беради. Қолаверса, бозор муносабатлари шароитида тадбиркорлик билан шуғулланувчи корхоналар, ҳунарманд ва касаначилар барча маҳсулот ишлаб чиқарувчи ишбилармонлар эркин фаолият юритиши, усташогирд анъаналарини давом эттириши, ўсиб келаётган ёш авлодга касб-ҳунар сирларини ўргатиши миллатимизга хос бунёдкорлик, яратувчанлик туйғуларининг умрбоқийлигини таъминлайди.

Хулоса қилиб айтганда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жамиятимизнинг бугунги ва келажак тараққиётимиз фаровон ҳаётимизнинг мустаҳкам таянчи экан, уни ривожлантириш унга қонун доирасида барча шарт-шароитларни яратиб бериш ҳамда уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш асосий вазифамиз бўлиб қолади.

Интилган имкон топади

"Туман прокуратурасининг "Ишонч телефони"га қўнғироқ қилиб, тумандаги ДТ "Халқ банки" филиали томонидан банк кредити берилмаётганлиги ҳақидаги мурожаатингиз текширилди. Туман прокуратурасининг аралашуви билан "Халқ банки" филиали томонидан 6х40 ўлчамли иссиқхона қурилиши учун сизга 20 миллион сўмлик банк кредити ажратилди".

Прокуратура томонидан йўлланган бу хат фуқаро Б.Қорақулов ва унинг оила аъзоларига бир олам қувонч бағишлаши табиий эди. Чунки анчадан бери орқага сурилиб, турли тўсиқларга учраб келаётган ишнинг прокуратура "Ишонч телефони"га қилинган битта қўнғироқ билан ҳал бўлиши тадбиркорга мўъжизадек туюлди. Иссиқхона қуриб, унда турли хилдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кўпдан буён орзу қилиб юрган тадбиркор учун 20 млн. сўм маблағга эга бўлиш ва иссиқхона қурилишини бошлаб юбориш имконияти яратилди. Интилган имкон топади. Қорақулов ҳам банкдан кредит ололмас эканман-да, деб қараб ўтирмади. Ҳар қандай ноҳақлик ва адолатсизликни қонун йўли билан ҳал қилиш мумкинлигига ишонган ҳолда "Ишонч телефони" рақамларини терди. Бу энди ўз ҳақ-ҳуқуқини тушунган кишининг иши эди. Инсон ҳамиша орзу билан яшайди. Аммо фақат орзу қилиб ўтириш билан иш битмайди.

Мақсадга эришиш учун қатъият керак. Қайси касб-корда бўлишдан қатъи назар қонунга таяниб иш кўриш ҳамиша инсонни ёруғ манзиллар томон етаклайди. Бунинг учун фуқаро мамлакатимизда жорий этилган қонунларни билиши ва уларга амал қилиши зарур.

Ғузор тумани "Мустақиллик" кўчасида яшовчи фуқаро Б.Қорақулов ана шу талаблардан келиб чиққан ҳолда иш тутди. Зеро, у хайрли ишга қўл уратганига қаттиқ ишонарди. Мамлакатимизда тадбиркорликка кенг йўл очиб берилиши ва бу соҳа кишиларининг манфаатлари қонун йўли билан муҳофаза этилиши моддий бойликлар етиштириб, ҳам оила, ҳам халқ дастурхонини тўкин қилиш орзусида юрган Б.Қорақулов ва унга ўхшаган минглаб кишилар учун айни муддао бўлди.

Дарҳақиқат, муҳтарам Президентимиз таъкидлаганидек, бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ўзининг иқтисодиётимиздаги ўта муҳим ва салмоқли ҳиссаси билан, бошқа бирорта ҳам соҳа ўрнини боса олмайдиган аҳамияти билан давлатимиз ва халқимиз ҳаётида муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу соҳада меҳнат қилаётган фуқаролар, яъни тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг ўрнатилиши эса Ватан равнақи йўлидаги умумий ишимиз самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда. Фуқароларнинг аризалари, шикоят хатлари, мурожаатлари ўз вақтида кўриб чиқилиб, зарур чора-тадбирлар белгиланмоқда. Хусусан, туман прокуратураларида мунтазам равишда ишлаб турган "007" рақамли "Ишонч телефонлари" меҳнат аҳлининг ишончини оқлаяпти.

Нуриддин ИБОДОВ,
Ғузор туман прокурори

Эндиликда фуқароларимиз узоқ-яқин масофаларни босиб ўтиб, прокуратурага келиш ўрнига телефон орқали мурожаат этиб, ўзларини ташвишлантираётган масалалар хусусида ёки бирон-бир ишни амалга оширишда юз бераётган тўсиқлар ҳақида бемалол фикр билдирмоқдалар ва муаммоларини ҳал этишда зарур ёрдам олмоқдалар. Масалан, туманимизнинг "Гулшан" қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Эскибоғ қишлоғида яшовчи фуқаро Фурқат Қораев шу йил 27 февраль куни "Ишонч телефони"мизга қўнғироқ қилди. Уни ташвишлантираётган масала ДТ "Халқ банки" туман филиали ходимларининг фаолияти билан боғлиқ эди. Фуқаро Қораев мазкур банкдан кредит ололмаётгани тўғрисида хабар қилиб, бу борада қонуний йўл билан ёрдам кўрсатишимизни сўради. Туман прокуратураси томонидан ўтказилган текширув натижасига кўра, мазкур банк филиали томонидан фуқаро Фурқат Қораевга чорвачилик билан шуғулланиши учун 3 млн. сўмлик банк кредити берилиши таъминланди.

Ўйлаймизки, ўзи истаган миқдорда кредит олган фуқаро энди дилига тугиб юрган орзусини бемалол амалга ошира олади. Бир оила бошлиғининг ҳеч бўлмаганда ўз рўзғори эҳтиёжига яраша чорвачилик маҳсулоти етиштириши ҳам аслида унинг жамиятга етказган фойдасидир.

Биз орзулар ва уларни амалга оширишда учрайдиган тўсиқлар тўғрисида қисман фикр юритдик. Аммо инсон ҳаёти нафақат орзулар осмонида, балки ташвишлар гирдобида кечиши ҳам бор ҳақиқат. Хусусан, оилавий муносабатларнинг ёмонлашуви, эр-хотин ўртасидаги никоҳнинг бекор қилиниши, фарзандлар тақдири ва уларнинг таъминоти билан боғлиқ бир қатор муаммолар ҳам борки, фуқароларнинг бу борадаги шикоятларини кўриб чиқиш, текшириш, хулоса қилиш прокуратура ходимларидан катта тажриба ва масъулият талаб қилади. Чунки ҳар бир телефон қўнғироғи, ариза ва шикоят ортида инсон ва унинг тақдири турибди. Инсон тақдирига эса бефарқ қараб бўлмайди.

Қинғир иш — келтирар ташвиш

Ҳаёт турфа тасодифлардан иборат бўлгани каби сизу биз яшаётган ана шу гулгун замонда ҳам турли тоифадаги инсонлар ниҳоятда кўп. Одамлар бор, ҳалол меҳнат қилиб пешона тери эвазига ҳаёт кечиришни ўз бурчи деб билса, яна бировлар мўмай даромад, яъни осон пул топиш йўлларини қидиради.

Вохид ТОШПЎЛАТОВ,
СВОЖЖДЛҚК Департаментининг Навоий вилоят бошқармаси бўлим бошлиғи

Бугун суднинг қора курсисида ўтирган Умид Исломов (исм-шарифлар ўзгартирилган)нинг юз-кўзлари қип-қизил чўғдек. Балки у оила бошлиғи, боз устига 4 нафар фарзанднинг отаси эканлигини ҳис этиб, ўз қилмишидан уялаётгандир. Балки...

У жорий йилнинг 27 февралида Департаментнинг Навоий вилоят бошқармаси ҳамда Зарафшон шаҳар бўлими ходимлари томонидан фуқаро Рўзиқул Боймуродов аризасига асосан ўтказилган тадбир давомида шаҳар "Савдо маркази" ҳудудида қонунга хилоф равишда ҳар бир АҚШ долларини 2820 сўмдан баҳолаб, 700 АҚШ долларини жами 1 млн. 974 минг сўмга фуқаро Р.Боймуродовга сотган вақтда ашёвий далиллар билан ушланган. Шунингдек, унинг ёнида сотиш мақсадида сақлаб келаётган 1497 АҚШ доллари ва 24 500 Россия рубли ҳамда 5 млн. 776 минг 800 сўм мавжудлиги аниқланди.

Ўрганган қўнгил ўртанса қўймас, деганларидай Умид Исломов аввал ҳам худди шу каби қилмишлари учун бир неча марта суднинг қора курсисига ўтиришга мажбур бўлган, ҳозир ҳам бу ҳолат такрорланган.

Суднинг ҳукмига асосан У.Исломов Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 177-моддаси 2-қисми "а" банди билан айбли деб топилиб, жазо муқаррарлиги таъминланган.

Дарҳақиқат, қинғир иш — келтирар ташвиш, фирибгарнинг ўйлаган режаси амалга ошмай, юзи шувут бўлди.

Ҳа, буюк файласуфларимиздан бири шундай деган эди: "Одам пулсиз, уйсиз, ер мулксиз қолса, уларнинг ўрнини тўлдирса бўлади. Инсоннинг ўз ҳақиқий мулки — инсоний қадр-қимматини йўқотиши ачинарлидир".

Инсон ўз қадр-қимматини йўқотмасин, чунки йўқотилган қадр-қиммат чегаланган сополга ўхшайди. Дарз кетган сополга эса қанча ишлов берсангиз ҳам у асл ҳолига қайтмайди. Модомики шундай экан, ҳар бир инсон бугунни эмас, эртасини ўйлаб яшаши ва иш тутиши жоиздир.

Устувор вазифалар

Истиқлол йилларида иқтисодиётни барқарорлаштириш, бу борада қонун устуворлигини таъминлаш юзасидан амалга оширилган чора-тадбирлар туфайли юртимиз тобора гуллаб-яшнамоқда, аҳолининг турмуш фаровонлиги ортиб бормоқда. Албатта, бунда Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК Департаментининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Бахтиёр КАСИМОВ,
СВОЖЖДЛҚК Департаментининг Хоразм вилоят бошқармаси бошлиғи

Солиқларнинг ўз вақтида тўлиқ ундирилишини таъминлаш, банкдан ташқари нақд пул айланишига йўл қўймаслик, валюта қимматликларининг қонунга хилоф равишда сотилишининг олдини олиш бугун зиммамиздаги улкан вазифалар сирасига киради. Департаментнинг Хоразм вилоят бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан қатор чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Жумладан, жорий йилнинг ўтган 6 ойи давомида солиқ ва валютага оид жами 159 та тадбир ўтказилди. Натижаларига кўра 130 та жиноят, 29 та маъмурий ҳуқуқбузарликка оид, шунингдек, Давлат солиқ инспекциясидан келган материаллар асосида 10 та жиноят ишлари қўзғатилди. Аниқланган ҳуқуқбузарликлар юзасидан давлат бюджетига 6850,6 млн. сўм, яъни ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 33,3 млн. сўм кўп қўшимча солиқ ва молиявий жарималар ҳисобланиб, шундан 2166,7 млн. сўмининг ундирилишига эришилди.

Ўтказилган тадбирлар натижасида 252,8 млн. сўмлик товар-моддий бойликлар ашёвий далил сифатида олиб қўйилди. Давлат ва хўжалик юритувчи субъектлар манфаатларига жами 999,5 млн. сўмлик зарар етказилганлиги аниқланиб, 728,6 млн. сўми ундирилди.

Яширин иқтисодий фаолият юритувчи шахсларни фош этиш борасидаги ишларнинг самарадорлигини ошириш юзасидан ҳам қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўтказилган тадбирлар жараёнида 24 та ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланиб, натижасига кўра 21 та жиноят ишлари ва 3 та маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишлар қўзғатилди. Ҳуқуқбузарлардан 42,3 млн. сўмлик асбоб-ускуналар ҳамда бошқа турдаги маҳсулотлар ашёвий далил сифатида олиб қўйилди. Масалан, Департаментнинг Боғот туман бўлими ходимлари томонидан жорий йилнинг 8 май куни ноқонуний равишда қўлбола усулда тайёрланган "Ёғ жувози" мосламасидан фойдаланиб келаётган шахсларни аниқлаш юзасидан ўтказилган тадбирда тумандаги "Нурафшон" шаҳарчасида яшовчи Шоназар Абдуллаев ўз уйида яширин цех ташкил қилиб, пахта хомашёсидан чигитни ажратиб, чигитдан ёғ ва кунжара маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланиб келаётганлиги аниқланди. Мазкур ҳолат юзасидан унга нисбатан ЖКнинг 186-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилди. Бўлим ходимлари томонидан чигитдан олинадиган маҳсулотларни қонунга хилоф равишда ишлаб чиқаришда фойдаланиб келинган хомашё манбасини аниқлаш бўйича олиб борилган тезкор тадбирларда "Боғот пахта тозлаш" ОАЖнинг бир қатор мансабдор шахслари томонидан жамиятга тегишли товар-моддий бойликлар турли йўллар билан ўзлаштириб келинганлиги маълум бўлди. Аниқроқ айтганда, ОАЖнинг "Қипчоқ" уруғлик чигит ивитиш шохобчаси мудири вазифасини бажарувчи Э.Исмоилов шу шохобча ишчиси Э.Сардоров билан тил бириктириб, давлат нархи 1920 минг сўм бўлган, 1600 килограмм 80 қоп уруғлик чигитнинг ҳар килограммини 500 сўмдан келишиб, Ш.Абдуллаевга 800 минг сўмга сотган экан. Шунингдек, Ш.Абдуллаевнинг уйида сақланаётган 3320 килограмм техник пахта чигити ОАЖнинг ёнғинга қарши курашиш бўлими бошлиғи З.Саидов томонидан етказиб берилганлиги ҳам аниқланди.

Бундан ташқари, валюта қимматликларининг ноқонуний муомаласини фош этиш масаласи ҳам доимий эътиборимизда. Йилнинг ўтган даврида бу борада 32 та тадбир ўтказилиб, натижаларига кўра 10 та жиноят ва 22 та маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишлар қўзғатилди. Ҳуқуқбузарлардан 38 минг 573 АҚШ доллари, 50 евро, 129 минг 910 Россия рубли, 394 минг 100 қозоқ тенгеси ва 34,3 млн. сўм ашёвий далил сифатида олиб қўйилди. Жумладан, Хива туман бўлими томонидан ўтказилган тадбирда Хива шаҳар М.Маткаримов кўчасида яшовчи фуқаро М.Мадаминов 5 минг 300 АҚШ долларининг ҳар бирини 2770 сўмдан ҳисоблаб, фуқаро Ли Андрейга жами 14 млн. 681 минг сўмга сотган вақтда ушланган. Мазкур ҳолат юзасидан М.Мадаминовга нисбатан ЖКнинг 177-моддаси 2-қисми "б" банди билан жиноят иши қўзғатилди.

Суриштирув фаолияти сифатини яхшилаш бугуни кунда бошқарма ва унинг ҳудудий бўлимлари олдида турган долзарб вазифалар сирасига киради. Бунда суриштирув жараёнининг тўлиқ, холисона ва сифатли ўтказилиши, жиноят процессуал қонунчилик ва Бош прокурорнинг соҳавий буйруқлари талабларига риоя қилинишига, жиноятлар натижасида етказилган зарарларнинг тўлиқ ундирилишига эътибор кучайтирилмоқда.

Умуман олганда, шиддат билан ривожланаётган давр, қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган давлат сиёсати биздан давр билан ҳамнафас одимлашни талаб қилади. Зиммамиздаги масъулиятни чуқур ҳис қилган ҳолда адолат тантана қилишига ўз ҳиссамизни қўшишда давом этамиз.

Ёшларга оид сиёсат

давлат фаолиятининг устувор йўналишларидан биридир



Ҳозирда ахборот технологияларининг ўта ривожланиб бораётганлигидан айрим кимсаларнинг миллий менталитетимизга ёт бўлган турли порнографик, зўравонлик ва шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотларни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида фойдаланаётганлиги, шунингдек, дунёда ёшлар ва вояга етмаганлар ахлоқсизлигининг кучайиши юртимиз ёшларига ҳам таъсир қилаётганлиги ташвишга солмоқда.

Азамат ЭРГАШЕВ,
СВОЖЖДЛҚҚ Департаментининг Жиззах вилоят бошқармаси инспектори

Маълумки, республикамизда мустақилликка эришган кундан ёш авлодни ижтимоий шаклланиши, маънавий-ахлоқий жиҳатдан камол топиши, ижодий иқтидорини жамият манфаатлари йўлида тўлатўкис рўёбга чиқаришига катта эътибор қаратилди. Шунингдек, ўсиб келаётган авлодни ахборот хуружларининг салбий таъсирларидан ҳимоя қилишга қаратилган қатор ижтимоий-иқтисодий ва ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги, "Ноширлик фаолияти тўғрисида"ги, "Реклама тўғрисида"ги, "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги, "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонунларида болаларни порнография, зўравонлик ва шафқатсизликни тарғиб қилиш билан боғлиқ ахборотларнинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатлари мустаҳкамланди. Уларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан миллий ва умуминсоний қадриятлар ҳамда анъаналар асосида тарбиялашга, миллий менталитетимизга ёт бўлган "оммавий маданият"нинг ҳалокатли таъсирининг олдини олишга қаратилган мақсадли ҳуқумат дастурлари қабул қилинди. Аҳоли ўртасида кенг қамровли профилактик, ахлоқий, маънавий ва маърифий ишлар олиб бориляпти. Лекин, айрим нопок кимсалар жамиятимизда ўрнатилган одоб-ахлоқ муносабатларини издан чиқариш, ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатиш мақсадида турли порнографик маҳсулотларни тайёрлаш, давлатимиз ҳудудига олиб кириш, яширин равишда сотиш, тарқатиш, реклама қилиш ва намойиш этиш билан шуғулланмоқда.

Жумладан, охирги уч йилда 430 нафар шахслар маъмурий жавобгарликка тортилиб, улардан 44,5 млн. сўмлик порнографик маҳсулотлар олиб қўйилган.

Биргина, бу вақт мобайнида Жиззах вилоятида 30 нафар шахсдан 648 та шафқатсизлик, зўравонлик ва ҳаёсизликни тарғиб этувчи дисклар ва 5 дона компьютер процессори олиниб, йўқ қилинган. Жавобгарлар 12,4 млн. сўмлик маъмурий жаримага тортилган.

Бу каби ҳуқуқбузарликларнинг кўплаб содир этилаётганлиги мамлакатимизда ёшлар тарбиясига оид амалдаги қонун ҳужжатларини бугунги кун талаблари нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқишни ва такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Амалдаги Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 189-моддасига асосан порнографик мазмундаги асарлар, босма нашрлар, ашёларнинг тасвирлари, кино-видео фильмлар, телерадио дастурлар,видео ва овоз ёзувли материаллар, кино-фото материаллар ва бошқа маҳсулотларни тайёрлаш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш маъмурий жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 130-моддасига асосан намойиш қилиш ёки тарқатиш мақсадида порнографик нарсаларни тайёрлаш, шунингдек, уларни йигирма бир ёшга тўлмаган шахслар ўртасида намойиш қилиш ёки тарқатиш, маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

Жиноят кодексидаги ушбу норманинг номукаммаллиги, уни МЖтКнинг 189-моддасига номувофиқлиги амалиётда порнографик маҳсулотларнинг муомаласи, уларни республикага олиб кирилиши, йигирма бир ёшга етган шахсларга реклама қилиниши, намойиш этилиши ёки тарқатилиши билан боғлиқ ижтимоий хавфли қилмишларнинг сезиларли қисмини декриминаллаштирилишига олиб келди.

Шунингдек, республика бўйича сўнгги уч йилда порнографик маҳсулотларнинг ноқонуний муомаласи бўйича қўзғатилган 6 та жиноят иши бу турдаги жиноятларни аниқлаш ва олдини олиш бўйича жиноий-ҳуқуқий механизмнинг етарли самарага эга эмаслигидан далолат беради.

Шу билан биргаликда, қонунчилигимизда "порнографик маҳсулотлар" тушунчасининг аниқ таърифи мавжуд эмаслиги ҳам ҳуқуқни қўллаш амалиётида муайян мураккабликларни келтириб чиқарди. Бу эса мутахассислар томонидан ихтиёрий изоҳланишига сабаб бўлди.

Бундан ташқари, жиноят ҳақидаги қонун ҳужжатларида, Ўзбекистон 2008 йил 11 декабрда қўшилган "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги Конвенцияга доир, болалар савдоси, болалар фоҳишабозлиги ва болалар порнографиясига таллуқли Факультатив протоколнинг 3-моддаси талаб қилганидек, болалар тасвирланган порнографик маҳсулотлар муомаласи учун қаттиқроқ жавобгарликни назарда тутувчи махсус норма мавжуд эмас эди.

Амалдаги қонунчилигимизда ёш авлоднинг соғлом ривожланишига зарар етказадиган, ғайриижтимоий хатти-ҳаракат хавфини ошириб, уларнинг онгида тафаккурнинг номақбул андозаларини шакллантирадиган зўрлик ва шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотларнинг ноқонуний муомаласи учун жавобгарликнинг йўқлиги қонун ҳужжатларидаги жиддий бўшлиқдир.

Юқоридаги салбий ҳаракатлар учун айрим хорижий мамлакатларда (Украина, Қозоғистон ва бошқалар) жиноий жавобгарлик белгиланган.

Ушбу ҳолатларни инобатга олиб, қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ҳамда ахлоққа зид жиноятлар ва ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни кучайтириш мақсадида уч моддадан иборат "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди.

Мазкур қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 189-моддаси ва Жиноят кодексининг 130-моддаси янги таҳрирда баён этилди. Унга кўра, порнографик маҳсулотлар муомаласи учун жавобгарлик кучайтирилди. Эндиликда нафақат 21 ёшга тўлмаган шахслар ўртасида, балки умуман порнографик маҳсулотларни намойиш қилганлик, тарқатганлик, реклама қилганлик ва давлатимизга олиб кирганлик учун ҳам жавобгарлик белгиланди.

Шунингдек, ушбу қонун билан иккала кодексга зўравонлик ҳамда шафқатсизликни тарғиб этувчи маҳсулотларни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш ва намойиш этиш учун жавобгарликни белгиловчи тегишли янги 189-1 ва 130-1-модда киритилди.

Қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг янги 189-1-моддаси амалдаги 189-модданинг мантиқий давомидир. Унга кўра, зўравонлик ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ёки тайёрлаш, уни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш, —

Зўравонлик ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни, шунингдек уни тайёрлаш, тарқатиш, реклама қилиш ва намойиш этиш воситаларини мусодара қилиб, фуқароларга энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача, мансабдор шахсларга эса юз бараваридан бир юз эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши белгиланган.

Амалдаги Жиноят кодексида 130-модда "порнографик нарсаларни тайёрлаш ва тарқатиш" деб қисқача номланиб, бир қисмдан иборат эди. Мазкур модданинг янги таҳрирдаги баёни эса, "порнографик маҳсулотларни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш ва намойиш этиш" деб номланиб, уч қисмдан иборат. Бундай хатти-ҳаракатни содир этган шахсларга нисбатан қўлланадиган жиноий жавобгарлик кучайтирилиб, 3 (уч) йилгача озодликдан маҳрум этиш жазо чораси белгиланди. Бу жиноятлар учун жазонинг кучайтирилиши сабаби жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги даражаси ортганлигидадир.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига 130-1-моддани киритишдан мақсад республикамиз ҳудудида зўравонлик ва шафқатсизликни тарғиб қилиш, тарқатиш, намойиш этиш каби жиноий мақсадларни амалга ошириш учун қилинаётган ҳаракатларни қонуний тарзда чеклашдир. Унга кўра, бундай ҳаракатларни содир этганларга нисбатан иқтисодий жазо чораси ва 3 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган. Бу эса ижтимоий хавфи юқори бўлган бу турдаги жиноятларнинг камайишига хизмат қилади.

Жиноят кодексининг 130-моддаси 3-қисмида назарда тутилган жиноий қилмишга вояга етмаган шахсларни ижрочи сифатида жалб қилганлик учун жазо чоралари 2007 йил 1 декабрда Сенат томонидан қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг асосий йўналиши эканлиги эътироф этилган 4-моддаси "Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсати"га мос келади.

Шу нуқтаи назардан, "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни юрт таянчи бўлган ёшлар тарбияси билан чамбарчас боғлиқдир.

Бундан ташқари, Жиноят кодексининг 8-бўлимига киритилган тўлдиришда "Порнографик маҳсулотлар" ва "Зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотлар" тушунчаларига ҳам аниқ таъриф берилди. Унга кўра, "порнографик маҳсулот — бадиий қимматга эга бўлмаган ва илмий, тиббий ёки ўқув мақсадлари учун мўлжалланмаган, одам жинсий аъзоларининг ёхуд одам томонидан ҳақиқатда содир этилаётган ёки шунга ўхшатилган жинсий алоқанинг тавсифини ёхуд фото, видео тасвирини ёки бошқа тасвирини ўз ичига олган материаллар ва нарсалар";

"Зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулот — бадиий, илмий ёки маданий қимматга эга бўлмаган, зўравонлик ёки шафқатсизлик содир этишга ундайдиган материаллар ва нарсалар".

Амалдаги Жиноят кодексининг 130-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, аввало, мамлакатимиз қонунлари, қолаверса, "Порнографик маҳсулот тарқатиш ва савдо қилишга қарши кураш тўғрисида"ги Женева Конвенцияси қоидаларига мос келади. Шу маънода қабул қилинган мазкур қонун миллий қонунчилигимизни халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқлаштириш сари яна бир қадам бўлди. У миллий қонунчилигимиз тизими ва ижтимоий ҳаётимизда янгича ҳуқуқий муносабатлар яратишга ҳамда миллий қонунчилигимизни халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларга мослаштиришга хизмат қилади.

Мамлакатимиз қонунчилигига киритилган янги ўзгартириш ва қўшимчалар халқимизни маънавиятимизга мутлақо ёт бўлган порнографик, зўравонлик ва шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотлар таъсиридан сақлаш, ахлоққа зид ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларга қарши курашиш ҳамда бу борада жавобгарликни кучайтириш, болаларни жисмоний, руҳий ва маънавий-ахлоқий ривожланишига зарар келтирувчи ахборотлар билан танишишдан муҳофаза қилиш бўйича чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш имконини беради.

Азалдан аждодларимизда ор-номус биринчи ўринга қўйилган. Бола тарбияси, ўзаро ҳурмат, кексаларга ғамхўрлик, ҳурмат, кичикларга иззатда бўлиш бизнинг ўзбекона тарбиямизга хосдир. Фарзанд тарбияси ўзбек оиласида ҳамиша муҳим аҳамиятга эга. Бежизга халқимиз "бола азиз, одоби ундан азиз" деб, ўз фарзандларини жисмоний соғлом бўлиши, маънавий ва ахлоқий камол топишига эътибор беради. Бу хислатлар асрлар оша шаклланган маънавиятимизнинг асосини ташкил этади. Шу сабаб бу қонун ёшларимизни комил инсон этиб тарбиялашда ҳам ғоят долзарб аҳамиятга эга.

Зеро, улуғвор мақсадимиз — ҳуқуқий-демократик давлат барпо этишда биз ҳамиша жамиятнинг асосий таянчи бўлган ёшларга ишонамиз ва таянамиз. Шундай экан, уларга руҳий, ахлоқий жиҳатдан таъсир қилишга йўналтирилган, миллий менталитетимизга ёт бўлган ғояларни тарғиб этувчи ҳар қандай саъй-ҳаракатга мамлакатимиз қонунчилигида назарда тутилганидек курашмоғимиз лозим. Бунда фуқаролар, айниқса ёшлар ўртасида кенг қамровли тарғибот ишлари самарадорлигини ошириш муҳим. Чунки, ҳаёсизлик, зўравонлик ва шафқатсизлик халқимизнинг маънавияти ва менталитетига бутунлай ётдир.

Тадбир

Юртимиз ўз мустақиллигининг муборак йигирма бир йиллигини улкан ютуқлар билан кутиб олди. Жойларда қутлуғ сана муносабати билан турли маънавий-маърифий тадбирлар, учрашувлар бўлиб ўтмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири Қуролли Кучлар Марказий офицерлар уйида ҳам ўтказилди. "Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!" ғоясини ўзида мужассам этган "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари ижтимоий ҳимоясига қаратилган Президентимиз Фармон ва Қарорларининг аҳамияти", деб номланган мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси, Мудофаа вазирлиги ҳамда Республика Ҳарбий прокуратураси ҳамкорлигида ташкил қилинди.

Мустақиллик берган имкониятлар

Наврўз РАИМОВ,
Республика Ҳарбий прокурори ёрдамчиси

Тадбирда Мудофаа вазирлигининг масъул офицерлари, давлат ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари иштирок этдилар.

Давра суҳбатини Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари — Республика Ҳарбий прокурори, генерал-майор Ш.Узаков кириш сўзи билан очди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Қ.Жўраев, қўмита аъзолари Ф.Кувватов, К.Каромова, Мудофаа вазирлигининг масъул офицерлари — подполковниклар И.Маҳмудов, Ш.Ашрапов ҳамда Марказий офицерлар уйи илмий-услубий бўлими бошлиғи, доцент У.Олтиновнинг маърузалари тингланди. Улар ўз чиқишларида мамлакат Қуролли Кучларининг шаклланиш тарихи, йилдан-йилга такомиллашиб бораётган қонунларимиз, истиқлолнинг бебаҳо аҳамияти, юртимиздаги барқарор ривожланиш ва иқтисодий ўсиш суръатлари, миллий қадриятларимизнинг тикланиши, миллий армиямиз барпо этилишининг ҳуқуқий асослари, давлатимизнинг соғлиқни сақлаш, таълим тизимига қаратаётган юксак эътибори, дунё эътирофига сазовор бўлаётган Ўзбекистоннинг ўтган йиллар давомида эришган оламшумул ютуқларини алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Шунингдек, кейинги йилларда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари ижтимоий ҳимояси йўлида қилинаётган кенг кўламли ишлар, уларнинг уй-жой билан таъминланишлари, озиқ-овқат таъминоти, малакали тиббий хизмат кўрсатиш борасида олиб борилаётган эзгу ишлар ҳақида батафсил айтиб ўтилди.

Таъкидлаш жоизки, ўтган йигирма бир йил давомида мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг бевосита раҳбарлигида жаҳон андозаларига жавоб бера оладиган, юртимиз мустақиллиги, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини таъминлашга қодир бўлган, профессионал асосда шаклланган миллий армияни шакллантириш йўлида улкан ишлар амалга оширилди. Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг энг муҳим амалий натижасини ахлоқий-руҳий, маънавий муҳитнинг тубдан янгиланганида, жамиятимизда ҳарбий хизмат нуфузининг салмоқли даражада ошганлигида кўришимиз мумкин. Энг муҳими, ҳарбий хизмат ёшларнинг ҳар томонлама тобланиши, чиниқиши, юксак фазилатлар эгаси бўлиб вояга етишида ҳаёт мактаби вазифасини ўтамоқда. Айнан ана шу мактаб мамлакат ёшлари учун улкан имкониятлар эшигини очмоқда. Бугунги кунда минглаб ёшлар аъло ва намунали хизматлари туфайли қисм қўмондонлигининг тавсияномасига эришиб, юртимизнинг нуфузли олий ўқув даргоҳларида таҳсил олмоқдалар. Турли соҳаларда фаолият юритиб, юрт тараққиёти ва ривожига ўзларининг салмоқли улушларини қўшиб келмоқдалар.

Давра суҳбатида шунингдек, айни кунниг энг муҳим талабларидан бири бўлган огоҳликка ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди. Ана шу мақсадда Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз, тарихан бой анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онг-шуурига она юртга муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини чуқур сингдириш, инсоннинг маънавий-руҳий дунёсини издан чиқарадиган, унинг миллий ва диний илдизларини ўзиб ташлашга интиладиган, миллатнинг одоб-ахлоқ, оила борасидаги асрий қадриятларига жиддий хавф солиб турган маънавий таҳдидларга қарши курашда давлат ҳокимияти, сиёсий партиялар ва бошқа фуқаролик жамияти институтлари ҳамда кенг жамоатчилик олдида турган ўта муҳим вазифаларни амалга оширишда ҳамкорлик қилиш юзасидан фикрлар билдирилди.

Давра суҳбатида ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар. Тадбир ниҳоясида Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамблининг хушовоз хонандалари ўзларининг дилбар қўйқўшиқлари билан йиғилганларни хушнуд этишди.

Арзон доллар керакми?



Баҳодир ПЎЛАТОВ,
Шайхонтоҳур туман прокурори

Кўни-қўшниси-ю таниш-билишлари турли маркадаги автомашиналарни ҳайдаб юришини кўрган ҳар қандай одамнинг уларга ҳаваси келиши аниқ. Пойтахтлик Обид ака ҳам яхши ниятлар билан машина олиш ҳаракатига тушган ва бунинг учун пул йиғишни бошлаган эди. У мўлжалдаги маблағни деярли йиғиб бўлиб, энди қаерда долларга айлантирсам экан, деб юрган пайтда куёвининг қўшнисини учратиб қолди. Гапдан гап чиқиб, қўшни йигит бир синфдоши доллар олиб бериши мумкинлиги ҳақида айтган эди, Обид аканинг кўзлари қувончдан порлаб кетди. Вақтни ўтказмай шу заҳоти машина олмоқчи эканлигини, шунинг учун пулларини долларга айлантирмоқчи эканлигини айтиб, ёрдам сўраган эди, йигит ўша синфдоши билан гаплашиб кўришни ваъда қилди.

Кўп ўтмай улар учрашишди. Ўзини Лазиз, дея таништирган ҳожатбарор бир ой ичида барча пулларини долларга айлантириб беришини айтган эди, Обид ака уни яхши танимаслигини билдириб, гаровга бирор нарса қолдиришни сўради.

— Ака, сизни яхши тушунаман. Долларга айлантирмоқчи бўлган пулларингиз кичкина сумма эмас. Хоҳласангиз, "Нексия" автомашинам бор, шуни гаровга беришим ҳақида тилхат ёзиб бераман.

— Яхши бўларди, ука. Фақат, эҳтиёт бўлганимни тўғри тушунарсиз, деб ўйлайман. Эрта бир кун тушиб қолмай деб қўрқаман-да! Умрингиздан барака топинг.

Шундай қилиб Лазиз хотини билан келиб, унинг номида бўлган автомашинани Обид акага гаровга берганлиги тўғрисида тилхат ёзиб берди. Ўз навбатида Обид ака унга 15 минг АҚШ доллари учун 32 млн. 700 минг сўмни санаб берди.

Аммо орадан бир ойга яқин вақт ўтди ҳамки, Лазиздан дарак бўлмади. Обид ака энди хавотирга тушган эди, остонада ўртада турган йигит — куёвининг қўшниси пайдо бўлди. У айни пайтда банкда текширув кетаётгани, Лазиз ҳам алдаб кетмаслигини айтиб уни хотиржам қилгач, озроқ пул ташлаб кетди. Кейинчалик Лазизнинг ўзи ҳам келиб, 1000 доллар берди. Озроқ вақт ўтиб, яна пича пул берди. Кейин яна. Хуллас, Обид ака берган пулларидан 4 минг 600 АҚШ долларинигина қайтариб ололди, холос.

Бел оғритмай, мўмай даромад топиш кимга ёқмайди, дейсиз! Бу пайтда Лазизбой Обид акадан ундирган пулларни бемалол ишлатишни бошлаган эди. Буни қарангки, шунча пул унга урвоқ ҳам бўлмади, шекилли, орадан бир ой вақт ўтар-ўтмас Хайрулла исмли оғайнисининг автомашина олиш ниятида юрган қўшниси ҳақида эшитиб қолди-ю, дарҳол ишга киришди. Аввал Хайруллага учрашиб, арзон-гаров доллар олишга имкони бор эканлиги, аммо ўзида пул йўқлиги айтиб, нолиган бўлди-да, кейин бирор одамга керак бўлса ёрдам бериши мумкинлигига шама қилди. Бу гапларни эшитган оғайниси бир таниши машина олмоқчи эканлигини билдириб, бу ҳақда Лазизга айтган эди, у рози бўлди. Шундай қилиб машинага даъвогар Умид Пўлатов билан учрашган Лазиз бир АҚШ долларини 2 минг 300 сўмдан бир кунда олиб бериши мумкинлигини айтиб, мақтанган бўлди. Буни эшитган У.Пўлатов хурсанд бўлиб, эртасигаёқ унга 10 минг АҚШ доллари учун 23 млн. сўм пулни келтириб берди. Лазиз бу сафар ҳам олган пулларини долларга алмаштириб, оз-оздан қайтариб турди. Бироқ, ваъда қилинган пулдан бор-йўғи 2 минг 500 АҚШ долларини бергач, бадар кетди. Телефонини ҳам ўчириб қўйди.

Бу Лазизбой деганлари пул турганда ҳатто ўзининг оғайнисини ҳам танимайдиганлардан чиқиб қолди. Йўқса, юқорида қайд этганимиз, уни У.Пўлатов билан учраштириб қўйган оғайниси Хайрулланинг кўзига чўп суқармиди? Оғайниси бояқиш уни У.Пўлатов билан таништириб қўйганидан ташқари, ўзи ҳам унга ишониб, 500 АҚШ долларига етадиган 1 млн. 150 минг сўм пулини қандай қилиб қўлига тутқазганини билмай ҳам қолди.

Айтмоқчи, Лазизга ишониб чув тушганлардан яна бири унинг қариндоши С.Умаров ҳисобланади. Буни қарангки, Лазизбой унга ҳам арзон нархда доллар олиб бераман, дея 14 млн 400 минг сўм пулини олиб кетади ва шу кетганча қорасини ҳам кўрсатмайди. Уни қидира-қидира ахийри топганда эса турли баҳоналарни қалаштириб ташлайди.

Л.Ибрагимовнинг суд мажлисида кўрсатма беришича, бир одамдан қарзга пул олган экан. Аммо қайтара олмай, нолиж юқорида баён этганимиз — долларга айлантириб бераман, дея Обид акадан пул олишга мажбур бўлганмиш. Бу пулларнинг бир қисмини қарзларни тўлашга, озроғини фоизлар учун, яна бир қисмини ижарага олган автомашинага тўлаб, қолганини эса ўзининг майда-чуйда харажатларига ишлатибди.

Хуллас, қайсидир маънода бировнинг қалпоғини бошқасига кийдириб, баҳонада ўзи манфаат кўрган фирибгарга суд томонидан тегишли жазо тайинланди.

Назорат қилинмайдиган даромад

Муҳайё ПАТТАЕВА,
СВОЖҲДЛКК Департаментининг Юнусобод туман бўлими суриштирувчиси

Шундай табиатли инсонлар ҳам бўладики, улар қонуний йўл тутганда ноқонунийсидан боришни афзал билишади. Бундайлар тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни мақсад қилганлар орасида ҳам учраб туради.

Фуқаро Мурод Толиповни ҳам ана шундай тоифадаги "тадбиркор"лар қаторига қўшиш мумкин. Аммо унинг назорат қилинмайдиган мўмай даромад топишга уриниши ўзига қимматга тушди.

М.Толипов туман ҳокимияти ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекциясидан тегишли тартибда рўйхатдан ўтиш ўрнига Юнусобод туман ҳокимияти ҳузуридаги ана шундай инспекциядан рўйхатдан ўтган таниши Х.Ўзбековнинг номига Олмазор туманидаги Чуқурсой қурилиш моллари бозоридан савдо дўконини ижарага олади ва ушбу дўконда кафель, гранит, майолка каби қурилиш маҳсулотлари савдосини бошлаб юборади.

У назорат қилинмайдиган даромад олиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 февралдаги 75-сонли қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидалари" талабларига зид равишда сифат сертификати, ишлаб чиқариш маркасини тасдиқловчи ва кирим ҳужжатлари мавжуд бўлмаган 37 турдаги кафель ва фриз маҳсулотларини сотувга қўйган.

М.Толипов харидор А.Ибрагимовга сотиш учун 8 млн. сўмлик қурилиш маҳсулотларини ўзининг бошқарувидаги "Дамас" автомобили ва ёлланган фуқаро бошқарувидаги "Ваз-2102" русумли автомобилга юклаб олиб кетаётганида, Департаментнинг Тошкент шаҳар бошқармаси ва Юнусобод туман бўлими ходимлари томонидан ушланган.

Жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман судининг ҳукми билан М.Толиповга энг кам иш ҳақининг етмиш беш баравари миқдорида жарима белгиланди ва у 1 йил муддатга тадбиркорлик ҳуқуқидан маҳрум этилди. Шунингдек, унга тегишли 249 млн. 196 минг 534 сўмлик Хитой давлатида ишлаб чиқарилган, тегишли ҳужжатларга эга бўлмаган кафель ва фриз маҳсулотлари давлат эгалигига ўтказилди.

Назорат қилинмайдиган даромаддан умид қилган "тадбиркор"ларга бу ҳам бир сабоқ бўлса, ажаб эмас.

Тирик марҳумлар

Иш тажрибамизда ҳали бунақаси учрамаган эди. Умуман, бу фавқулодда ҳодиса, десак адашмаймиз. Тўғри, таҳлилларда, текширишларда бир неча йил аввал вафот этган қарияларга пенсия тўловини тўхтатмасдан, тўлов варақаларига сохта имзолар чекиб, пенсия пулларини ўзлаштириш ҳолатлари аниқланган. Бироқ, тирик одамни ўлганга чиқариб, оиласига боқувчисини йўқотганлик нафақасини тайинлаб, ўзлаштиришдай нопок қилмишни тасаввур қилиш қийин.



Ўктамжон ПЎЛАТОВ,
Риштон туман прокурори

Пенсия жамғармаси туман бўлимида бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ва бюджет маблағлари сарфланиши таҳлил этилганда ана шундай қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди. "Ёйилма" қишлоқ фуқаролар йиғинида аниқланган ҳолатлар бўйича собиқ раис Қ.Отабоев жиноий жавобгарликка тортилди.

Қонунларимизга инсонпарварлик тамойиллари сингдирилган. Ижтимоий ҳимояга оид қонун ва қонуности ҳужжатларига биноан кам таъминланган, серфарзанд, боқувчисини йўқотган оилаларга нафақалар тайинланмоқда, моддий ёрдам кўрсатилмоқда. Аммо Қодиржон Отабоев каби сиртидан жонкуяр, ҳамқишлоқларининг ташвиши билан яшайдигандай кўринган, аслида нафсининг қулига айланган, мансаб ваколатидан фойдаланиб, кўпчиликнинг ҳақига хиёнат қилган кимсалар афсуски, бот-бот учраб турибди.

У 2006 йили "Ёйилма" қишлоқ фуқаролар йиғини раиси лавозимига тайинланган эди. Аввалига тўғри ишлаб, қинғир ишлардан ўзини сақлаган раис, 2008 йилга келиб, афтидан "мансабни боғлаб берган йўқ, амал борида отингни қамчилаб қол" дегувчиларнинг ноғорасига ўйнай бошлади. Бир-икки айрим яқин, ишончли кишиларига қилган "яхшилиги" учун олган "рағбатлари" уни бутунлай йўлдан урди. Мансабидан фойдаланиб, пул топишнинг турли-туман "усуллари"ни хомчўт қилиб юрганида иш столи устидаги боқувчиси вафот этганлиги тўғрисидаги гувоҳномани қўлига олар экан, лоп этиб калласида бировнинг етти ухлаб тушига кирмайдиган фикр туғилди. Гувоҳномадаги вафот этган одамнинг исм-фамилиясини ўзгартириб, ишончли таниш-билишлар, қариндош-уруғларининг оилаларига боқувчисини йўқотганлик нафақасини тўлаб туриш ҳақида қарорлар чиқартирса, ажратилган нафақа пулларининг ҳаммасини ёки ярмини ўзи олиб турса...

"Хўш кўрайлик-чи, ким экан? Ойбек Мамарасулович Жўраев... Э, ҳалиги-ю". Қодиржон гувоҳномадаги вафот этган шахснинг исми-шарифини эҳтиёткорлик билан, имкон қадар билинмайдиган қилиб ўчирди. Ўрнига ўхшатиб Шарифжон Қамчибекович Нишонов, дея ёзиб қўйди. Шарифжонни яхши танийди. Тирик бўлатуриб, ўликка чиқарилганини ўзига билинтирмайди. Мабодо, билиб қолган тақдирдаям, тўполон кўтармайди. Аризабозлик қилмайди. Шарифжоннинг хотини ҳам гапга киради. Гўё эри ўлиб, боқувчисини йўқотгани учун тайинланадиган нафақани ўртада «арра» қилишга кўнади.

Шу тариқа Қ.Отабоев эри "вафот этган" (аслида тирик) Гуласал Нишонованинг ҳужжатларини туман ижтимоий таъминот бўлимига тақдим қилиб, унинг фарзандларига боқувчисини йўқотганлик нафақаси тайинланишига эришади. Тўрт йил мобайнида ойма-ой тўланган салкам 7 млн. 500 минг сўм нафақа пулларини талон-торож қилади.

Тирик одамни ўлганга чиқариб, нафақа тўлатишни йўлга қўйиш "тадбири"нинг силлиқ кўчгани Қ.Отабоевни "руҳлантириб" юборади. Орадан икки ой ўтиб, туман ФҲДЁ бўлими томонидан "Ёйилма" ҚФЙда яшаб, сентябрь ойида вафот этган фуқаро Т.Мелибоевнинг ўлими ҳақидаги гувоҳномани қалбакилаштиради. Яъни, марҳумнинг ўчирилган исм-фамилияси ўрнига ўз синглисининг турмуш ўртоғи Насриддин Нуриддинович Ҳайитматовни ёзиб қўйиб, эри "ўлган" синглиси Санобархон Ҳайитматованинг фарзандлари учун нафақа тайинланишига муваффақ бўлади. Худди шунингдек, вафот этган Файзуло Янгибоевнинг гувоҳномадаги исм-фамилиясини Тўйчибой Асқаралиевич Буркашев қилиб ўзгартириб, яна бир синглиси — Гулсанамнинг фарзандларига ҳам боқувчисини йўқотганлик нафақаси тайинланишини таъминлайди. Шундай қилиб, сингиллари Санобархоннинг фарзандларига тўланган 2 млн. 181 минг сўм, Гулсанамнинг фарзандлари учун ойма-ой тўланган жами 8 млн. 105 минг сўм нафақа пулларини жиғилдонидан ўтказиб юборади. Афсуски, Қ.Отабоевнинг қилмишлари куёвларини "тириклайин гўрга тиқиш" билан якунланмайди.

"Меҳрибон" ака ишламаётган оналарга фарзандлари икки ёшга тўлгунча парвариш қилиш учун тўланадиган нафақаларни ҳам сингилларига "илинади". Синглиси Г.Буркашеванинг гўё ҳали икки ёшга тўлмаган, аслида 2004 йилда туғилган, тўрт ёшга кирган қизчаси учун ғайриқонуний равишда нафақа тайинланишига муваффақ бўлади. Синглисига бола парвариши учун тўланган 642 минг сўмни эса ўзи олиб ишлатади. «Навбаҳор» МФЙда яшовчи синглиси С.Ҳайитматова ва яна бир синглиси Г.Нишонованинг аллақачон 3-4 ёшдан ўтган фарзандлари учун нафақа тўланишини ҳам йўлга қўяди. Уларнинг ўрнига нафақаларни ўзи олиб совуради. Бундан ташқари, ҚФЙ ўрамида яшовчи фуқаро Р.Мирзабекова, Х.Султонова, Г.Сафарованинг номларига расмийлаштирилган бола парвариши учун тўланадиган нафақаларни ҳам имижимида ўзи олиб, турли эҳтиёжларига сарфлайди.

Бундан ташқари, нафақа тайинлаш комиссияси йиғилиши баённомаларини сохталаштириб, ҚФЙ ҳудудида яшамайдиган 24 нафар фуқаронинг 16 ёшгача фарзандлари учун нафақа тайинлаш тўғрисида қарор чиқариб, 26 минг сўмдан 37 минг сўмгача, жами 1 млн. 225 минг сўм нафақа пулларини ўзи олиб ишлатгани етмаганидек, "Навбаҳор" МФЙда истиқомат қиладиган 20 нафардан зиёд фуқаронинг 16 ёшгача фарзандлари учун нафақа, моддий ёрдам пуллари тўланишини йўлга қўйиб, уларнинг ўрнига пулларни ўзи олиб ўнгу сўлига совураверади.

Текширишда "Ёйилма" ҚФЙнинг собиқ раиси Қ.Отабоев 8 млн. 100 минг сўмга яқин моддий ёрдам ва ижтимоий нафақа, 17 млн. 770 минг сўмдан зиёд боқувчисини йўқотганлик нафақа пулларини, жами 25 млн. 866 млн. сўм бюджет ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағларини ўзлаштириб, талон-торож қилингани аниқланиб, жиноят иши қўзғатилди.

У қилмишига яраша жазоланди. Қолаверса, марҳумларнинг руҳини чирқиратган раис ҳамқишлоқларининг назаридан қолди.

Тилла шайдоси



Воҳиб ШАРОПОВ,
Самарқанд шаҳар прокуратураси терговчиси

Иштихон туманида истиқомат қилувчи Дилмурод эндигина йигирма ёшни қаршилаган бўлса-да, "ичидан пишган"лардан экан. Мўмай даромад топиш илинжида Иштихон туманидан Самарқандга келган Дилмурод шаҳар кўчаларида айланиб юраркан, диққатини бир ҳовли олдида турган машина тортди. Кўп ўтмай ҳовлидан чиққан хонадон эгалари машинага ўтириб кетишди. Дилмурод атрофни бироз кузатди. Кўчада ҳеч ким қолмагач, хонадон эгалари чиқиб кетган ҳовлига кирди. Аввал ўзича хонадон эгасини баланд овозда чақириб кўрди. Ҳеч ким жавоб бермагач, ҳовлининг ён томонидаги хона эшигини очиб, ичкарига кирди. У ердан қўлга илинадиган бирон нарса тополмади. Сўнг ҳовлига чиқиб, дераза орқали уйнинг бошқа хоналарига ҳам бирма-бир кириб чиқа бошлади. Хоналарнинг бирида компьютер бор экан. У компьютернинг процессори ва мониторини симларидан ажратгач, қўлига илинган фотоаппарат билан электрон флешкани ҳам "қўлга киритирди. Хуллас, 882 минг сўмлик мол-мулкни ўмарган йигит таксига ўтириб, Иштихон туманига қараб жуфтакни ростлади.

Шу билан у анчагача Самарқандга қадам босмади. Ёз келгач, яна "фаолиятини" бошламоқчи бўлиб, шаҳарга келган Дилмурод дастлаб ижарага уй топди. Хонадон эгасига новвойлик билан шуғулланишини айтди. Шундан сўнг ўзини худди ишга кетаётгандек кўрсатиб, ҳар куни эрталаб чиқиб кетадиган бўлди. Аслида атрофдаги уйларни зимдан кузатарди.

Кунларнинг бирида унинг диққатини Шохруҳ кўчасидаги бир хонадон соҳиблари тортди. Ҳар куни эрталаб эр-хотин болалари билан уйларидан чиқиб кетиб, кечгача қайтиб келишмасди. Учтўрт кун уйни обдон кузатган Дилмурод уй эгалари ишга кетгач, ҳовлига девордан ошиб тушди. Уйга кирмоқчи эди, эшик қулф экан. Деразалардан бирини очиб, ичкарига киргач, дарҳол пул излашга тушди. Ётоқхона шкафи ичидан «хазина» топилди: 4 млн. сўмлик тилла занжир, 5 млн. сўмлик билакузук, 2 млн. сўмлик кулон, 2,5 млн. сўмлик зумрад кўзли аёллар узуги, 1,5 млн. сўмлик аёллар сирғаси ва бошқа қимматбаҳо тилла тақинчоқлар, иккита қўл телефони, фотоаппарат ва кичик видеокамера... Шу каби 27 млн. 590 минг сўмлик мол-мулкни ўмарган Дилмурод шошапиша кўчага отилди.

Бир кунда шунча бойликка эга бўлган йигит тилла тақинчоқларни қандай қилиб пуллашни ўйлаб қолди. У ҳеч иккиланмай тақинчоқларнинг бир қисмини ўзи ижарада яшаётган уй эгаларига бериб: "Бу тақинчоқларни тоғам берди, отам ҳозир автоҳалокатга учраган. Уни даволатиш учун пул керак. Шунинг учун бу тақинчоқларни сотишимга ёрдам беринглар", деб илтимос қилди. Шу тариқа тақинчоқларнинг бир қисмини сотиб, пулларни ўз эҳтиёжлари йўлида сарфлаб юборди.

Бу билан Дилмурод эски "ҳунари"ни ташламади. Аксинча, энди Самарқанд тумани Боғибаланд маҳалласида яшовчи А.Тоҳировнинг уйига ўғриликка тушди. Уйдан хонадон эгасига тегишли бўлган 2 дона тилла занжир, 4 дона тилла узук, икки жуфт сирға, 50 АҚШ доллари, 10 минг сўм пулдан иборат, умумий қиймати 6 млн. сўмлик мулкни ўғирлаб, жуфтакни ростлади.

Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас, деганларидек, Дилмурод Самарқанд шаҳар Амир Кулол кўчасида ижарада турувчи Ж.Тошназаровга тегишли бўлган жами баҳоси 646 минг сўмлик тилла тақинчоқлар ва пулларни ҳам талон-торож қилди. Унинг "фаолият"и яна анча чўзилиши мумкин эди, аммо ўғрилик ортидан топган тилла буюмларни сотаман, деб қўлга тушиб қолди. "Ҳаром мол буюрмайди", дегани шу бўлса керак-да.

Энди Дилмурод Мардиев умрининг 8 йилу 6 ойини панжара ортида ўтказадиган бўлди. Шунингдек, ўғрилик ортидан ўмарган мол-мулклари ҳақини ҳам тўлашига тўғри келди.

Жазосини олди



Р.АРТИКОВ,
Узун туман прокурори

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 11 мартдаги "Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонига асосан тегишли ташкилотлар томонидан "Мулломуҳаммад" фермер хўжалигида пахта ва ғалла экиладиган майдонлар мониторинги ўрганилганда, фермер хўжалиги раҳбари Абдуғофур Муҳаммадиевнинг қинғир ишлари очилиб қолди. Яъни, унинг ноқонуний ер сотганлиги, гидротехника, мелиорация иншоотлари ҳамда қишлоқ хўжалиги техникасини ишлатишда хўжасизлик, минерал ўғитлар ва ёнилғи-мойлаш маҳсулотларини талон-торож қилиш каби ҳолатларни содир этганлиги маълум бўлди.

Аслида кўпчилик қатори 1996 йилда биринчилардан бўлиб деҳқончилик йўналишида фермер хўжалиги ташкил этган А.Муҳаммадиев, пахта ва ғалла етиштиришни йўлга қўйди. Фермер хўжалиги томонидан етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари эвазига мўмай даромад кўрди. Аммо кейинги йилларда раҳбарнинг нафси ҳакалак ота бошлади. Шайтоннинг маслаҳатига кириб, фермер хўжалигига тегишли 78-контурдаги пахта экишга мўлжалланган ернинг 20 сотихини бир фуқарога 21,9 млн. сўмга, кейинчалик эса яна бир фуқарога 10 сотихини 6 млн. сўмга сотиб юборади. Шунингдек, текширув жараёнида раҳбарнинг фермер хўжалигига тегишли бўлган 78, 233 ҳамда 265-контурлардаги пахта экишга мўлжалланган жами 4,23 гектар ер майдонини фуқароларга уй-жой ва томорқа сифатида ажратиб бериб, ушбу ер учун 17 млн. сўмлик минерал ўғитлар, уруғлик дон ва чигит, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини олиб, ўзининг эҳтиёжлари учун ишлатиб юборганлиги ҳам аниқланди.

Шундай қилиб, ер сотган фермер суднинг ҳукмига кўра тегишли жазога тортилди.

ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИ!

AGROBANK

Бизнес доирангизни кенгайтириш имкониятлари бор!



Агробанк мижозига айланинг ва халқаро иқтисодий муносабатларингизни кенгайтиринг

www.agrobank.uz

Хизматлар лицензияланган

«EFFECT REAL GROUP» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган «Аукцион» савдоларига таклиф этади!

"Аукцион" савдоларига Фарғона вилоят "Матлуботсавдо" АК тугатиш комиссиясининг 2012 йил 27 августдаги 270, 271, 272 ва 273-сонли хатларига асосан:

1. Фарғона вилоят "Матлуботсавдо" АКнинг Қува тумани "Қува Универсал Инвест" (собиқ Қува тумани "Матлуботсавдо") МЧЖдаги компаниянинг 25 фоиз улуши "Аукцион" савдосига қўйилмоқда. **Улушнинг бошланғич баҳоси — 77 386 771 сўм.**

2. Фарғона вилоят "Матлуботсавдо" АКнинг Қўштепа тумани "Қўштепа Савдо Инвест" (собиқ Қўштепа тумани "Матлуботсавдо") МЧЖдаги компаниянинг 35,09 фоиз улуши "Аукцион" савдосига қўйилмоқда. **Улушнинг бошланғич баҳоси — 140 065 988 сўм.**

3. Фарғона вилоят "Матлуботсавдо" АКнинг Қўштепа тумани "Нон ишлаб чиқариш" МЧЖдаги компаниянинг 44,005 фоиз улуши "Аукцион" савдосига қўйилмоқда. **Улушнинг бошланғич баҳоси — 64 157 907 сўм.**

4. Фарғона вилоят "Матлуботсавдо" АКнинг Қува тумани "Тайёрловсавдо" МЧЖдаги компаниянинг 25,02 фоиз улуши "Аукцион" савдосига қўйилмоқда. **Улушнинг бошланғич баҳоси — 15 288 721 сўм.**

"Аукцион" савдолари 2012 йил 2 октябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Талабгорлардан савдода қатнашиш учун аризалар 2012 йил 28 сентябргача ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 18:00 гача қабул қилинади.

Мазкур улушлар 2012 йил 2 октябрдаги аукцион савдоларида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2012 йил 2 ноябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтиши олдиндан маълум қилинади. Ҳамда такрорий савдолар учун аризаларнинг қабул қилишнинг охирги муддати 2012 йил 1 ноябрь куни соат 18:00 гача.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар "Савдо ташкилотчиси" билан тузиладиган закалат келишувига асосан, улушнинг бошланғич баҳосини 10 фоизи миқдоридаги закалат пулини тўлов ҳужжатида улушни номи кўрсатилган ҳолда "Савдо ташкилотчиси" "Effect Real Group" МЧЖнинг реквизитлари, ИНН: 302128329, МФО:00500, "Савдогарбанк" Фарғона вилоят бўлимидаги 20208000704943278001 ҳисоб рақамига тўлашлари керак.

Талабгорлар қизиқтирган барча саволлар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин.

"EFFECT REAL GROUP" масъулияти чекланган жамияти.
Фарғона шаҳри, Аҳмад Фарғоний кўчаси 43-уй, 21-хона.
Тел. + 99895 404 54 84. Лицензия RR 0094.

Тадбиркорлик умрга завол бўлмасин

Агар Нурали Саримсоқов қўлбола ароқ истеъмол қилиш натижасида шифохонада азоб чекаётган беморлар ҳузурида бир неча дақиқа бўлганидами, ўзининг "тадбиркорлиги"га аввалроқ барҳам берган бўлармиди?!

2012 йил 2 май. Н.Саримсоқов "Дамас" автомашинасига қўлбола усулда ишлаб чиқарилган 0,5 литр сиғимли шиша идишдаги 40 дона "Мастона", 60 дона "Гостзаказ", 30 дона "Любимая", 30 дона "Ассирийская", 40 дона "Берёза" ароқларини юклади-да, Янгиқўрғон томон йўлга тушди. Ўзи йўлда-ю, хаёли ароқлардан қоладиган фойда билан банд.

Бироқ, СВОЖЖДЛҚК Департаменти Бувайда туман бўлими ходимларининг қўшни Учкўприк туманидаги ҳамкасблари билан ўтказган тезкор тадбирлари натижасида унинг ширин хаёллари саробга чиқди. Н.Саримсоқов Камар қишлоғи ҳудудида харидорга ҳар бир шиша ароқни 2 минг 800 сўмдан ўтказаётган пайтда ушланди. Унинг уйидан 58 дона бўш шиша идиш, 600 дона елим қоплама, 296 та қопқоқ, тайёр ароқларни қадоқлашга мўлжалланган 32 дона целлофан қоплама, 67 дона акциз марка, фильтр ҳамда 10 литр спирт ашёвий далил тариқасида олинди.

Дониёржон АЪЗАМОВ,
СВОЖЖДЛҚК Департаментининг Бувайда туман бўлими бошлиғи

Туман санитария-эпидемиология назорати маркази ходимларининг берган хулосасига кўра, ашёвий далил сифатида олинган маҳсулотлар истеъмолга яроқсиз экан.

Мамлакатимизда тадбиркорлар учун ҳамма эшиклар очиқ. Аммо бу тадбиркорликни, берилган катта имтиёзларни суиистеъмол қилиш, дегани эмас-ку!

Яна мисолларга мурожаат қилсак: ҳудудимизда чигитдан қўлбола усулда маҳсулот олинаётганлиги тўғрисидаги ҳолат юзасидан ўтказилган тадбирда Хўжаўлди қишлоғилик Зафаржон Ҳамидов уйига қўлбола дастгоҳ ўрнатиб, ёғ ишлаб чиқараётгани маълум бўлди. Шунингдек, Ҳакимтўра қишлоғида яшовчи фуқаро Шукурулло Ҳайитов ҳам қўлбола дастгоҳда истеъмолчиларнинг соғлиғи хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган ёғ ишлаб чиқариш билан шуғулланиб келган.

Уларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатларига чек қўйилди. Айбдорлар тегишли жазосини олишди. Аммо бу билан сифатсиз маҳсулот туфайли соғлиғини йўқотганлар саломатлигини тиклаб олмайдилар-ку! Мана шу нарсани унутиб қўймасак бас.



Электрон доллар савдоси

Рустамжон РАҲИМОВ,
СВОЖЖДЛҚК Департаменти бош инспектори

Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК Департаменти органлари томонидан валюта маблағларининг ноқонуний муомалага киритилиши борасида бир қатор самарали тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида валюта маблағларининг "қора бозор"ларда, валюта айирбошлаш шохобчалари орқали ноқонуний муомалага киритилиши, валюта тушумининг қасддан яширилиши каби ҳолатларга чек қўйилмоқда.

Шундай бўлса-да, жамиятнинг ҳар бир жабҳасида ривожланиш бўлгани каби, жиноятчилик борасида ҳам ана шундай ҳолатлар юз бермоқда, янги турдаги жиноятлар пайдо бўлмоқда. Ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи қонун ва қонуности меъёрлари мукаммаллашиб боргани сайин, ушбу меъёрларни четлаб, даромад олиш мақсади ҳам кўпайиб бормоқда.

Шундай ҳолатлардан бири интернет тармоғидаги электрон маблағларнинг ноқонуний айланиши, бизнинг мисолимизда эса электрон чет эл валютасининг ноқонуний олди-сотдиси билан боғлиқ.

Тошкент шаҳридаги "Парвоз" хусусий ишлаб чиқариш корхонаси ҳуқуқшуноси вазифасида ишлаб келган Шавкат Расулов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ана шундай қинғирликка қўл урганлардан ҳисобланади. 2011 йилда интернет тармоғидаги "Webmoneyplus.UA" сайтида электрон пуллар савдоси билан шуғулланувчи Украина фуқароси Андрей Колчак билан танишган Ш.Расулов, ундан электрон кўринишдаги АҚШ долларларини Ўзбекистон Республикасида нақд АҚШ долларига сотиб, олган валюта маблағларига тенг бўлган миқдордаги нақд АҚШ долларларини халқаро пул ўтказмалари орқали Украинага юборишга келишиб, ишга киришади.

Шундан сўнг, Ш.Расулов ўзининг интернет сайтига А.Колчак томонидан юборилган жами 305,0 минг АҚШ доллари миқдоридаги электрон пулларни эълон орқали Ўзбекистон Республикаси фуқароларига устама қўйган ҳолда жами 314,1 минг АҚШ долларига сотиб, 9,1 минг АҚШ доллари миқдорида назорат қилинмайдиган фойда олади.

Кейин эса "Ипак йўли банки"нинг "Пойтахт" экспресс маркази мутахассиси М.Алимова билан жиноий тил бириктириб, банкка келмаган 51 нафар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари номидан, уларнинг паспорт маълумотларидан фойдаланган ҳолда, Украина давлатига жуда кўп миқдордаги валюта маблағларини юборганликлари тўғрисида сохта банк ҳужжатларини расмийлаштиради ва ушбу ҳужжатлардан фойдаланиб, "Анелик" халқаро пул ўтказмалари тизими орқали 305 минг АҚШ долларини А.Колчак номига юборишга муваффақ бўлади.

Ушбу ҳуқуқбузарларнинг жиноий қилмиши суд томонидан кўрилиб, уларга нисбатан тегишли жазо тайинланди.

Табаррук айём



Фидокорона меҳнатлари, касбига садоқати билан барчанинг эҳтиромига сазовор бўлган инсон, прокуратура фахрийси Тўра Нодиршаев табаррук 80 ёшни қарши олмоқда. У 34 йилдан ортиқ Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида эл-юрт тинчлиги ва осойишталигини таъминлашдек масъулиятли ҳамда шарафли вазифага ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келди.

Тўра Нодиршаев қайси лавозимда ишлашидан қатъи назар, ҳамиша билимдон ва тажрибали ҳуқуқшунос, самимий инсон сифатида жамоатчилик орасида эътибор қозонди. Иш фаолияти давомида Термиз шаҳар прокуратураси иш ўрганувчиси, Сурхондарё вилоят прокуратураси терговчиси, бўлим прокурори, Қашқадарё вилоят прокуратураси бўлим прокурори, Ғузор туман прокурорининг ёрдамчиси, туман прокуратураси терговчиси, Чироқчи туман прокурори, прокурор ёрдамчиси, Шаҳрисабз туман прокуратураси терговчиси вазифаларида самарали хизмат қилиб, шарафли меҳнат йўлини босиб ўтди.

Ишлаш даврида ижобий фаолият кўрсатиб, меҳнатсеварлиги, ишчанлиги, ижланувчанлиги, самимийлиги ва фидойилиги билан ҳамкасблари орасида ҳурмат қозонди. Тўғри йўлни кўрсатиб, виждонан ишлашни ўргатган шогирдлари ҳозирги кунда ҳуқуқ-тартибот органларида самарали меҳнат қилмоқдалар.

Тўра Нодиршаевнинг кўп йиллик меҳнатлари прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳоланиб, бир неча маротаба рағбатлантирилди.

У бугунги мунаввар кунлар шукронасида, фарзандлар ва невaралар даврасида табаррук 80 ёшни қаршиламоқда.

Ҳурматли Тўра Нодиршаевич, таваллуд айёмингиз муборак бўлсин! Сизга ва оилааъзоларингизга соғлик-саломатлик, оилавий тотувлик, хонадонингизга тинчлик-хотиржамлик, файзу барака тилаймиз.

Республика Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик Маркази

«Мен сиздан қоламанми?»

Яқин қариндошлардан бири неварали бўлганини эшитиб, "муборак бўлсин"га уйига бордим. Холам сўрида қовоқлари солиқ, бир аҳволда ўтирибди.

Нилуфар НИЁЗОВА,
«Huquq»

Ҳол сўрашгач, енгил ҳазил қилдим:

— Ҳа, хола! Буви бўлиш қийин эканми, ҳалитдан қовоқ-тумшуқ қилиб ўтирибсиз?!

— Э-э, кўрмайсанми!.. — дардини кимга айтишни билмай ўтирган эканми, "ёрила" қолди холам. — Бир ҳафтадан бери келинга ҳали овқат ташийман, ҳали дори-дармон. Келиннинг кўнглини олай, шериклари ёнида тили қисилмасин, қудалар биздан дилгир бўлиб юрмасин, деб жоним ҳалак. Бугун ўғлим билан борсак, келин тушмагур нима дейди, дегин? Кунда эри миниб бораётган машинада уйга келмасмиш. "Ласетти" ясатиб боришимиз керак эмиш. "Видео ўлгури бўлмаса, келиб овора бўлиб юрманглар, ҳамманинг ёнида шарманда қилиб қайтариб юбораман. Уч йил деганда ўғил туғдим, дабдаба билан олиб кетмасангиз, ота бўлиб юрибсиз экан-да", дейди! Шундоқ ҳам қудам ва келининг талаби билан "Бешик тўйи"га бозорнинг олди сарполарини олдим. Она-бола "Туркияники бўлмаса, эл-юрт гап қилади", дейишди, кўндим. Менда ҳам орзу-ҳавас бор-ку, шулардан гап еб ўтираманми, дегандим. Энди бу ғаввоси чиқиб турибди. Қудам бундоқ қизининг танобини тортиб, йўлга соладими, десам, қаёқда! "Агар ўғлингиз қизимнинг шугина илтимосини бажаролмаса, ўзимиз олиб кела қоламиз "Ласетти"ни. Аммо чақалоқ бизникига тушади", деса бўладими?! Ўғлим шўрлик нима дейишини билмай, зарда билан ишга кетворди. Мен ҳам тарвузим қўлтиғимдан тушганча келиб ўтирган ерим...

Дилимдан тилимга кўчиб улгурмаган: "Мастурахон ўғилчасини бағрига босиб, қувониб ўтирганингдир? Ҳаммани ҳам шунақа бахтга етказсин!" деган самимий тилакларим тошдек қотди.

Кўз ўнгимда куни кеча туғруқхоналардан бирида гувоҳига айланганим бир манзара намоён бўлди:

Ота бўлганидан қувончга тўлиб-тошиб тургани шундоққина юз ифодасидан сезилиб турган йигит севинч аломатлари кўзида сузиб юрган ёшгина, ранг-пар келинчакка меҳрибонона термулади:

— Ўзинг қалайсан? Бола яхшими?

— Ҳозир беришди. Кўриниши худди ўзингиз...

Бир-бирига меҳр қўйган жуфтликнинг энг бахтли лаҳзаларидан бирига гувоҳ бўлиш киши қалбини алланечук тўлқинлантириб юборади.

Улар яна алланималарни гаплашишди, ортиқ қулоқ тутишдан ийманиб, нарироққа кетдим. Бизнинг бемордан ҳали дарак йўқ эди. Шу орада келиннинг овози баландлаб, кўпчиликнинг эътиборини тортди:

— Агар учта "Каптива"да келмасанглар, чиқмайман. Дугоналарим, қариндошлар ҳам келадиган, улар нимада кетади? Ваъда бергансиз! Ана, синглингизни бешта машинада олиб кетишди. Кеча шеригимга тўртта келди... Боламнинг уларникидан нима ками бор?

Севинч ёшлари кутганим бу қаро кўзларда энди такаббурона, яна аллақандай таърифи йўқ совуқ томчилар сизиб чиқаётганини кўриш менга жуда оғир ботди. Юрагимнинг аллақаери ўпирилиб кетгандек бўлди. Наҳот фарзанд қувончидан маст бўлган она учун туғруқхонадан қандай машинада чиқишининг аҳамияти бўлса?! Беихтиёр тилимга аччиқ сўзлар келди: у ҳомилани тўққиз ой кўтариб юрганида она бўлиш орзуси билан яшаганмиди ё хаёлида савлатини кўз-кўз қилиш шавқи ўкмрон бўлганми? Одамларга нима бўляпти ўзи? "ЗАГС" базмларини-ку, "ким ўзар" қилиб юборишди. Энди навбат бунга келдими? Ишқилиб, туғилибоқ "Каптива" минган гўдакнинг қадам босмаёқ самолёт мингиси келиб қолмасин-да! Келажаги порлоқ бўлсин болагинанинг!

Бир ҳамкасбим билан шу мавзуда гаплашиб қолдик. Тўйлардаги баландпарвоз гаплар, ясама одатлар, видеотасмага туширилган сунъий лавҳа-тасвирлар ҳақида куйиниб гапирди.

— Қани эди шу дабдабаларнинг бари эртага келин-куёвнинг бахтли яшашига кафолат берса! — дейди у юраклари эзилиб.

Унинг айтишича, маҳалласида иккита тўй бўлибди. Бири жуда дабдаба билан ўтибди. "ЗАГС" базмию никоҳ тўйининг овозаси қишлоққа уч-тўрт ойлик мавзу бўлибди. Аммо... Оралан икки-уч ой ўтмай куёвнинг танбаллиги, ишёқмаслиги, отасининг пулига давру даврон суриб юриб, тўйдан олдин кўп бебошликлар қилгани маълум бўла бошлабди. Келинликнинг тотли дамлари тугамай, шаҳарда кундоши борлиги, у эртаиндин фарзандли бўлишини эшитган келинчакнинг аҳволини тасаввур қилаверинг энди!

Тўй кунлари ҳамма орзу-ҳаваслари ушалган, қуда томондан устма-уст сарпо кийиб, қизининг ҳам маликалардек яшашига умид боғлаган ота-онанинг аҳволи-чи? Шу кунгача у қанчадан-қанча одамларга оғиз кўпиртириб, қудаларининг моддий аҳволи ва қизининг дабдабалар ичида яшаётганини мақтанди экан?

Иккинчи тўйни бир неча йиллардан буён нуфузли вазифаларда ишлаб келган, ҳозирда ҳам қайсидир туманда катта ишда ишлаётган ҳамқишлоқлари қилибди. Тўй оддийгина, аммо жуда серфайз ўтибди. Шунда ҳам айрим оғзига кучи етмайдиганлар: "Фалончи босиб қўйган бойлигини сарфлагиси келмади шекилли, қўл учида тўй қилди. Ўлар жойда эмасди. Етти пуштига етадиганини йиғиб қўйгандир ўзиям. Аммо биттагина ўғлининг тўйига хасислик қилмаса бўларди", дейишибди. Ҳалиги одам бу гап-сўзларга эътибор қилмабди. Ҳозир ёш келин-куёв жуда аҳил яшашаётган экан. Дабдабадан йироқ тўй уларнинг бахтига соя солмабди, қаранг!

Қўшним бир тўйдан тўлиб-тошиб келди:

— "Келин салом"га тушган ҳадяларни кўрсангиз, нақ оғзингиз очилади. Гилам, идиш-товоқларни қўяверинг, чангютгич, кондиционер, мебеллар совға қилишди келинга. "Қудалар барака топсин, ёшлар тўйданоқ ошланинг камини бутлаб, кейин ўзлари сотиб олмайдиган бўлишди", деб хурсанд ўтиргандик. Маросим тугаши билан ҳамма нарса битта-битта "эгасини топиб кетди". Кейин билсак, қариндошлар "эл кўрсин"га уйларидаги буюмларни олиб келиб туришган экан.

Ана холос! Ҳозиргина бир дунё совға-саломлар ичида ўзини "бойвуччa" сезиб ўтирган келингинанинг ҳолатига ўзингиз баҳо бериб олаверинг! Ёлғонлар билан бошланган оиланинг кейини нима бўлади энди? Ахир шу сохтакорликсиз ҳам "келин салом"ни ўтказишса бўларди. Оддийгина қилиб...

Ўйлаб қоласан киши. Ростдан ҳам, "ким ўзар"га ўйналадиган тўй дабдабалари кимга керак? Янги оиланинг бахти учунми? Ўртада пул, ҳатто "доллар" сочиш, қатор-қатор сарполар қилиш қаёқдан чиққан урф? Шунча харажат ёшларнинг рўзғорини бутлашга сарфланса яхши эмасми?

Бу гаплар кимларгадир ёқмас, балки. Ахир ҳар қандай ота-она ҳам фарзандига ажойиб тўй қилишни орзу қилади. Аммо ният ҳамиша ҳам имкониятга мутаносиб келавермайди. Кимнидир уч кун, ҳафталаб тўй беришга ҳам, фарзандларининг келажагига замин яратишга ҳам қурби етади, бошқалар эса... Беш қўл баробар эмаслигини ўша қурби етмаётган ота-она ҳам билади. Била туриб бор-йўғини тўйга сарфлайверади. Афсуски, тўкин-сочин тўй кўпинча нурли келажакка замин яратавермайди. Оқибати эса... уч-тўрт ойлик ҳомиласи билан қони кам, қуввatсиз келин-оналар сафи кенгаяверади. Ахир бор-будини "орзу-ҳаваси" йўлида сарфлаган киши қандай қилиб келиннинг еб-ичиши, соғлиғини назорат қилсин?! Бу ёқда олган қарзларини қайтариш, эртаиндин бўлиши муқаррар "бешик тўйи" ғамлари қуюндек ёпирилиб келаётган бўлса...

Шулар ҳақида ўйлар эканман, хотинининг олдида боши эгик қолган жиянимга ачиниб кетдим. "Наҳотки, у "ким ўзди" ўйинида ютқазиб қўйса?" дея қўрқдим.

Айтганча, айни дамда унинг ҳаёлидан нималар ўтаётган экан? Ёки анови, қўлидаги фарзандини кўтариб, хурсандчилигидан еру кўкка сиғмаётган бўлса-да, чоғроқ "Жигули"га сиғиб кетган ёш ота-онага ҳаваси келяптимикан?.. Эҳтимол, шу тобда қайси бир танишининг "Ласетти"си борлигини ҳисоб-китоб қилиб, аллақачон қўнғироқлашишни бошлаб юборгандир?

Хаёлга ботиб ўтирсам, қўшни хотин кириб келди:

— Уч-тўрт кунга пулдан ёрдам қилиб туринг! Ўғлимни биласиз, Россияга ишлагани кетган. Пул юбормоқчи эди, келмай турибди. Катта қизим ўғилчасига тўй берятти. Қачондан бери "Қўй билан мебелнинг тузукроғидан юборасиз!", дея хархаша қилади. Қават-қават сарпо-ю совға-саломини олиб қўйганман. Шунга келганда сал қўлим калталик қилиб турибди. Нима қилай, орзу-ҳавас-да! Пул келиши билан чиқариб бераман!..

Нима деяримни билмай, ўйланиб қолдим...

Ҳурматли тадбиркорлар!

Сизнинг иш фаолиятингизга Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши ёки унинг ҳудудий комиссияларининг рухсатисиз, тегишли ҳужжатларсиз ноқонуний аралашувларга йўл қўйиш, ўз хизмат ваколатларини суиистеъмол қилиш ҳамда бошқа қонунга зид хатти-ҳаракатларга йўл қўйилганда зудлик билан ЎзР ИИВ Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бошқармаларига қуйидаги ишонч телефонлари орқали мурожаат қилишингиз мумкин.

ЎзР ИИВ Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси — 8-371-234-01-09

Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ ЁХБ	8-361-223-19-86
Андижон вилояти ИИБ ЁХБ	8-374-222-21-73
Бухоро вилояти ИИБ ЁХБ	8-365-222-82-85
Жиззах вилояти ИИБ ЁХБ	8-372-223-56-10
Қашқадарё вилояти ИИБ ЁХБ	8-375-221-14-64
Навоий вилояти ИИБ ЁХБ	8-436-770-25-73
Наманган вилояти ИИБ ЁХБ	8-369-226-31-38
Самарқанд вилояти ИИБ ЁХБ	8-366-233-51-00
Сурхондарё вилояти ИИБ ЁХБ	8-376-223-21-81
Сирдарё вилояти ИИБ ЁХБ	8-367-225-08-58
Тошкент вилояти ИИБ ЁХБ	8-371-261-64-36
Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ	8-371-234-50-98
Фарғона вилояти ИИБ ЁХБ	8-373-224-87-15
Хоразм вилояти ИИБ ЁХБ	8-362-227-24-11

Изоҳ: Бугунги кунда Тошкент шаҳрида содир бўлган ёнғинлар тўғрисида хабар бериш учун "01" рақами ўрнига "101" рақамига қўнғироқ қилиш керак.

Республиканинг бошқа минтақаларида ёнғинлар тўғрисида хабарларни қабул қилиш учун аҳоли пунктларининг телефон тармоқларида ягона рақам "01" ўрнатилган.

Уяли телефонлар орқали "01" рақамига минтақаларда содир бўлган ёнғинлар тўғрисида хабарларни бериш қуйидаги тартибда амалга оширилади.

"Ucell" — 010
"Beeline" — #01
"Perfectum" — 01

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси

Huquq yuridik gazeta

Muassis: O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir: *Jahongir MAKSUMOV*

Tahrir hay'ati:
Abbosxon SANGINOV | Baxtiyor NAZAROV
Muxtor ZOIROV | *(Bosh muharrir o'rinbosari)*
Gulnoza RAHIMOVA | *(mas'ul kotib)*
Yusupboy G'OIPOV | Shavkat YODGOROV
Svetlana ORTIQOVA

Tahririyat manzili: Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-40, 233-10-53
Faks: 233-10-53, 233-64-85

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va egalariga qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.
«HUQUQ» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
[1] — tijorat materiali.
Reklama materiallarining mazmuni uchun tahririyat javobgar emas.

Buyurtma j-5290. 46 182 nusxada bosildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir: Sh.YODGOROV
Musahhih: M.QAMBAROV
Navbatchi: O`.DEHQONOV
Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi. Sotuvda kelishilgan narxda

Nashr ko'rsatkichi 231

Gazeta «O`zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi. Korxona manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Gazeta O`zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro`yxatga olingan.

ISSN 2010-7617